

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Мирзо Улугбек номидаги  
УЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

Тарих факультета  
“Жахон тарихи” кафедраси

**Равшанова Гулхаё Абдукаххаровна**  
**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

ХІХ асрнинг иккинчи ярмида Японияда ижтимоий-иқтисодий  
ислоҳотларнинг мамлакат ривожланишида тутган ўрни



Илмий раҳбар:  
Ўқитувчи А.А.Бийкузиев

**Тошкент-2014**

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3-6
I-Боб. XVIII-XIX асрларда Япониянинг ижтимоий-сиёсий ҳолати ва Мэйдзи инқилоби.....	7-29
I.1. XVIII-XIX асрларда Япониянинг ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва Токугавалар сёгунатининг иқтисодий инқироzi.....	7-15
I.2. Япониянинг очилиши ва нотенг шартномалар даври .....	15-20
I.3. Мэйдзи инқилоби ва император ҳокимиятининг қайта тикланиши.....	21-29
II-Боб. XIX асрнинг иккинчи ярмида Японияда ижтимоий-сиёсий ислохотлар.....	30-50
II.1. XIX асрнинг 70-80 йилларидаги буржуа ислохотлари.....	30-36
II.2. Япониянинг 1889 йилдаги Конституцияси ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ривожланиши.....	37-46
II.3. XIX аср охирида Японияда сиёсий тузумни демократлаштириш учун кураш ва сиёсий партияларнинг шаклланиши.....	46-50
Хулоса.....	51-54
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	55-56

## Кириш

**Мавзунинг долзарблиги.** Мустақилликка эришганимиздан сўнг тарих фанига бўлган эътибор кучайди. Ҳар бир миллат тарихини билиш ва уни қадрият сифатида ардоқлаш лозимлиги тобора аниқланиб бормоқда. Халқлар ва миллатларнинг яқинлашиши тажриба алмашиш ҳам ҳозирги кунда долзарб вазифалардан бири бўлиб келмоқда. Ҳар қайси мамлакат билан ҳамкорлик муносабатига киришар эканмиз, унинг тарихи, маданияти, санъати ва турмуш тарзини билишга интилишимиз зарурият бўлиб қолмоқда.

Зеро, Президентимиз “... бутун жаҳонда ва яқин атрофимиздаги давлатлар ва халқлар ўртасида ҳурматимизни, салоҳиятимизни юксалтирадиган, миллатни-миллат, давлатни-давлат қиладиган, бугун ҳар қанча ғурурлансак арзийдиган ишларимиз туфайли бир-биримизни танидик, анча тажриба орттирдик ва мустаҳкам бўлдик”<sup>1</sup>. – деб таъкидлаганларида ривожланган мамлакатлар тараққиёт йўлларини ўрганамиз, ундан унумли фойдаланишимизга эътибор қаратди. Японияда ҳам бу жараён XIX асрнинг ўрталарига келиб содир бўлди. 1868 йили Японияда бошланган инқилоб мамлакат тақдирини тубдан ўзгартириб юборди. Буржуазия император ҳокимиятини тиклаш орқали ўз позициясини мустаҳкамлаб олди. Давлат бошқарув тизимида ислохотлар ўтказишга қарши чиққан Сёгун Кейки тарафдорлари билан кураш ва эски самурайлар урф-одатларини сақлаб қолишга интилган айрим дайлиларга қарши чиқиш фуқаролар уруши даражасига етди. Жанубий даймёлар шимолий даймёларга қараганда бойроқ эди. Буржуа ислохотларга мойиллик уларда кўпроқ бўлгани учун император ҳукуматининг иқтисодий ўзагини ташкил қилди. Микадога (император)

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. – Т.: “Ўзбекистон”, 1996, 129-бет.

хокимиятни қўлга олиб берган ўртаҳол камбағаллашган дехконлар савдо-сотик ва саноат қай даражада ривожланиши ҳақида тасаввурга ҳам эга эмасдирлар. 1872-1877 йилдаги ислохотлар асрлар жиҳатдан ривожланган янги иқтисодий тараққиёт босқичига етаклай бошлади. Самурайлар қатлами ижтимоий синф сифатида йўқолишга олиб келди. 1877 йил бунинг натижасида Сайго Такомори бошчилигида исён бўлиб ўтди. Аммо хорижий ҳарбий инструкторлар тарбиясидан ўтган замонавий қуролланган армияга самурайлар қарши чиқа олмади. Бир неча жанглardan сўнг улар енгилишди. Консерватив дворянларнинг охириги кураши натижасиз чиқди.

1879 йилга қадар Япония Токио оролини бутунлай ўзига бўйсундирди ва ҳаттоки, Тайванга ҳам ҳамла қилишди. Лекин бу ҳаракатлар ҳам агрессив ташқи сиёсат юритиш вақти келганини кўрсатди. Ташқи бозорларга чиқишнинг ягона йўли уруш орқали эканлигини яхши тушунганлиги учун 1894 йил Кореяда хитойликлар билан уруш чиқаришга эришдилар. 1895 йил Самоленску тинчлик сулҳига кўра муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган Тайван оролини қўлга киритди. 1889 йилга келиб Узоқ Шарқдаги япон манфаатлари Россия билан тўқнашди. Айниқса Манчурия ва Корея масаласидаги тафовутлар юқоридаги фикримизга далил бўлади.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги XIX-XX асрларда Япония ўз тараққиётини белгилашда ўзига хос йўлдан борди. Бу эса келажакда Японияда қудратли давлатлар қаторига киришига замин яратди. Япония ҳозирги кунда индустриал давлат сифатида жаҳон мамлакатлари ичида энг илғор давлатлардан бири саналади. Унинг бу даражада ривожланиш сабоқларидан бири бўлган бу даврдаги ислохотларни ўрнатиш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Шу туфайли япон иқтисодий-сиёсий мўжизасини атрофлича ўрганиш мақсадида мазкур даврни

ижтимоий-сиёсий тарихий таҳлил этишни зарур қилиб қўяди.

**Муаммонинг ўрганилиш даражаси.** Танлаб олинган мавзу доирасида олиб борилганда изланишлар мазмун моҳиятидан келиб чиқибикки гуруҳга бўлиб чиқиш мумкин: 1. Биринчи гуруҳга маҳаллий ва МДХ мамлакатлари олимлари ижоди киритилди. Жумладан, Совастеев В.В., Кузнецов Ю.Д. Саблина Э., Искендеров А.А., Поздняков И.Г. кабилар ижоди ўрганилди<sup>2</sup>.

Иккинчи гуруҳда ҳорижий мамлакатлар тадқиқотчиларидан Исии Такаси, Симояма Сибура, Тояма Сигеки, Эйдус Х.Т.<sup>3</sup> кабилар ижод қилишган.

Шу билан бирга мамлакатимизда ушбу мавзу доирасида яхлит ижодий тадқиқот олиб борилмаганлиги ва бу борада биз бу жараёнга илк маротаба қўл ураётганимизни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Мазкур олимларнинг тадқиқотларидан унумли фойдаланиб, уларни умумлаштиришга эришдик. Шу маънода биз ушбу мавзуда Япониянинг айнан XIX-XX асрлардаги ижтимоий сиёсий ҳаётини тарихий таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

**Илмий изланишнинг даврий чегараси.** XIX асрнинг ўрталаридан – то XX аср бошларигача бўлган даврни ўз ичига олади.

**Илмий изланишнинг мақсад ва вазифалари** Мэйдзи инқилобининг келиб чиқиш сабабларини ёритиш ва унинг оқибатларини изоҳлаб беришдан иборат. Шу билан бирга мамлакатни модернизациялаш йўлида олиб борилган ислохотларни тарихий

---

<sup>2</sup> Совастеев В.В. Очерки истории Японии. От Токугава Итосудо Хасимото Потаро: (Монография). – Владивосток: Изд-во Дальне-вост.ун-та, 2008, с. 57; Кузнецова Ю.Д. История Японии: Учебник. – М.: Вкшная школа, 2006, С. 112., Саблина Э. Сёгуны и микодо (исторический очерк по японским источникам). М., «Дмитрий Бухалин». 2006. С. 134, Искандеров А.А. История Японии 1800-1945. М., «Наука», 1995. С. 37. Поздняков И.Г. Проблемы Японского ф-ма в траб.прог. японских историков. М., Изд-во. МГУ. 1977. ва бошқалар.

<sup>3</sup> Исси Такасии. Гаку эцухихан. Мэйдзиисинрон. Токио, 1961, Симояма Сибура. Мэйдзисинкэнкосирон. Токио, 1966; Тояма Сигэки. Сэнгоно рэкисигаку-то рэкимисикл. Токио, 1968; Эйдус Х.Т. Очерки новой и новейшей истории Японии. Государственное издательство политической литературы. М., 1955. ва бошқалар.

жиҳатдан таҳлил қилишга қаратилган. Қуйидаги вазифалар белгиланди:

- XVIII-XIX асрларда Японияда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ва Токугавалар сёғунатининг иқтисодий инқирози моҳиятини кўрсатиш;
- Япониянинг очилиши ва нотенг шартномалар даврини тадқиқ этиш;
- Мэйдзи инқилоби ва император ҳокимиятининг қайта тикланиш тарихини очиб бериш;
- Япониянинг 1889 йилги Конституцияси ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ривожланиши ва фаолиятини таҳлил этиш;
- XIX аср охирларида Японияда сиёсий тузумни демократлаштириш учун кураш ва сиёсий партияларнинг шаклланишини ёритиб бориш каби вазифаларни ҳал этиш назарда тутилган.

**Мавзунинг тадқиқот объекти.** Япония империясининг Мэйдзи инқилобидан кейинги даврларини ёритишдан иборат.

**Мавзунинг тадқиқот предмети.** XIX асрда Япониядаги ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг ўзига хос хусусиятларини тарихий жиҳатдан таҳлил қилиш тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

Малакавий ишнинг синовдан ўтиши, Малакавий иш Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Тарих факультети “Жаҳон тарихи” кафедрасида бўлиб ўтган илмий кенгашда муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

# **I-Боб. XVIII-XIX асрларда Япониянинг ижтимоий-сиёсий ҳолати ва Мэйдзи инқилоби**

## **I.1. XVIII-XIX асрларда Япониянинг ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва Токугавалар сёгунатининг иқтисодий инқирози**

Мейдзи революциясигача Японияда феодализм барқарор ривожланиб борган. Мамлакатдаги барча ер мулкларнинг ягона эгаси расман император ҳисобланар эди. Амалда эса аксарият мулклар феодал самурайлар қатламига тегишли бўлган. Букэ (самурайларнинг юқори табақаси) йирик ерларга эгалик қилиб, феодал тартибда иқтисодий-сиёсат юргизарди. XVII–XIX асрларда Токугавалар оиласи мамлакатнинг 4/1 қисмига эгалик қиларди. Шунга қарамай мамлакатнинг қатта қисмига эгалик қилувчи 250 та турли унвондаги даймё(княз)лар бор эди. Мамлакатда хусусий деҳқон зироатчилари ҳам мавжуд бўлиб, улар тобора камайиб борарди.

Японияда самурайлар вассаллик тизими мустақкам илдиз отган эди. Даймёлар ўз самурайларига ер мулк берар эди. Феодаллар табақаси заминдорлик асосида шакллантирилганди. Деҳқонлар солиқларни асосан гуруч билан тўлашар, лекин улар тобора доимий қарамликга маҳкум бўла бошлашди. Улар баршчина ўташ, йўлларни тўғрилаш ва мажбуриятларга жалб этилар эди. Судхўрлик тобора кучайиб борди. Деҳқонлар эксплуатациясида муҳим омил бўлиб хизмат қилди<sup>4</sup>.

Япония феодализмнинг ўзига хослиги унинг шаҳарларда ёйилиши билан боғлиқ эди. Япон шаҳри феодал даврда ҳуқуқсиз ва солиқ тўлайдиган худуд ҳисобланган. XIX асрларда япон шаҳарларида

---

<sup>4</sup> Родригес А.М. История стран Азии и Африки в новейшее время. – М.: Проспект, 2009. – С. 137.

карийб 4 млн аҳоли яшаган бўлиб, ундан 1 млн га яқини хунарманд ва савдогарлар саналарди. Феодал бошқарув тизими шаҳар ҳаётининг иқтисодий масаларига аралашарди, савдо сотиқ ва нарх наво белгиларди, эҳтиёжи учун ҳаддан зиёд кўп маҳсулот талаб қиларди. Кўплаб савдо соҳалари давлат томонидан монополлаштирилган эди.

Японияда феодал режимнинг яна бир хусусияти кўплаб самурайлар ер мулкига эга эмасдилар. Вассалларнинг моддий таъминоти бўлган – «гуруч паёки» тизими шу туфайли пайдо бўлди. Натижада кўплаб самурайлар ер мулк ва деҳқонларнинг феодал эксплуатация тизимида тўғридан тўғри иштирок эта олмасди. Деҳқонларнинг эксплуатацияси марказлашган характерга эга бўлиб, бунда оброк тизимидан кенг миқёсда фойдаланилган. Феодал рента солиқ билан ниқобланган ва давлат зарурияти учун бериларди.<sup>5</sup>

Капитализмнинг ривожланиш даврида япон феодализи мамлакатни иқтисодий тармоғи бўлган. Деҳқонларнинг ерга бўлган эҳтиёжи, оброч эксплуатациясининг мослашувчанлиги, феодаллар иқтисодий функцияларининг ҳаддан ташқари соддалиги, феодализмнинг шаҳарларга чуқур сингиб кетиши ва бошқарувчи синфнинг кўплиги бўйича феодал тизим Японияда Европага қараганда барқарор эди. Дунё мамлакатларида капитализм ривожланаётган пайтда, Японияда консерватив феодал муносабатлар сақланиб қолган эди<sup>6</sup>.

Японияда XIX асрнинг иккинчи яримидан аста – секин буржуа давлати шакллана бошлади. Мутлақ монархия буржуа типигаги дуалистик монархияга айланиб борди. Бу жараёнлар Японияда Англия ва Франциядаги сингари ғолибона буржуа инқилоби натижасида юз бермади.

---

<sup>5</sup> Совастеев В.В. Очерки истории Японии. От Токугава Иэясу до Хасимото Рютаро : [монография]. – Владивосток: Изд-во Дальневост. ун-та, 2008. – С. 57.

<sup>6</sup> Кузнецов Ю.Д. История Японии: Учебник. – М.: Высшая школа, 2006. – С. 112.

Бу ерда янги муносабатларнинг ривожланишига хукмрон сулолаларнинг “ғарб варварларидан ўзини ўзи ажратиб қўйиш” сиёсати маълум даражада тўсқинлик қилган. XVI асрдан бошлаб хунармандчилик ва савдонинг ўсиши, шаҳарларнинг ривожини маҳаллий бозорларнинг ташкил топишига, ворислик ҳуқуқига эга бўлган князлар – йирик феодал хонадонлар вакиллари – даймёнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигининг батамом ўрнатилишига олиб келди. Даймё эгаликлари бир қанча провинцияларни ёки бир неча гуруҳ провинцияларни қамраб олганди. Улар йирик ва қудратли хонадонлар вакиллари билан бири сёгун (“буюк лашкарбоши”) бошлиқ марказий ҳарбий-олигархия<sup>7</sup> ҳукумати фақат номигагина тан олардилар.

Японияда ҳарбий кучлар ёрдамида давлат ҳокимиятининг бир қадар марказлаштиришга учинчи сёгунат даврида (XVII-XIX асрлар), фақат Токугава сулоласидан бўлган сёгунлар муваффақ бўлганлар. Айнан ўша вақтда япон жамиятининг табақавий бўлиниши расмийлашган. Жамиятнинг “си-но-ко-сё”: самурайлар, деҳқонлар, хунармандлар, савдогарларга бўлиниши қонун ва сёгун ҳокимияти томонидан мустаҳкамланган. Самурайлар, яъни дворянлар табақаси бир хил эмас эди. Феодал князларнинг юқори табақаси қуйидагича икки туркумга бўлинган: 1) сёгун ҳузурида шунингдек унинг ҳукумати – “бакуфу” (“ҳарбий-дала қароргоҳ”)да ҳамма маъмурий лавозимларни эгаллаган фудай-даймё, 2) бошқарув ишларидан четлаштирилган “ташқи” князлар – тодзама-даймё.

Император ҳузуридаги сарой амалдорлари (кугэ) ҳам самурайлар табақасининг юқори қатламига мансуб эди. Улар сёгун маъмуриятидан “гуруч улушлари”ни олиб, унга тўлиқ боғлиқ эдилар. Сёгун ёки бирон

---

<sup>7</sup> Ҳарбий-олигархия – ҳокимият бир тўда қудратли кишилар, аристократлар, асосан ҳарбийлар қўлида бўлган тузум.

бир даймё армияси таркибига кирувчи ҳарбий хизматчи самурайларнинг асосий қисми ҳам “гуруч улушлари” ҳисобига яшаган. Самурайлар қуйи даражадаги учта табақаларга қарама-қарши турардилар. Фақат уларга маъмурий лавозимларни, давлат ва ҳарбий хизматларни эгаллаш ҳуқуқи берилган эди. Ҳарбий хизмат фақат самурайларнинг машғулоти бўлган.

XVIII асрда хунармандчилик ишлаб чиқаришининг, хонаки мануфактура саноатининг ривожланиш даражасига қараб феодаллар табақасининг энг қуйида турувчи савдогарлар табора муҳим роль ўйнай бошлади. Товар – пул муносабатларининг ривожланиши ўсиб бораётган савдо-судхўрлик капиталига табора кўпроқ қарам бўлиб қолган самурайлар табақасининг емирилишига олиб келди. Жуда катта Мицуи савдо уйи XVII асрдан сёгуннинг молиявий агенти, кейин эса императорнинг банкири бўлиб қолди.

Даймёнинг камбағаллашуви натижасида самурайлар ўзларининг ҳомийларини, шу билан бирга “гуруч улушлари”ни йўқотдилар ва аста-секин ҳукмрон режимдан норозилар армиясини тўлдириб бордилар. Феодалларнинг эркинликларини бузган сёгундан норозилик даймёнинг кўпчилигида ҳам вужудга келди. Товар-пул муносабатларининг ривожланиши билан япон деҳқонларининг табақалашуви жараёни чуқурлашди. Энг камбағал деҳқонларга нисбатан жуда оғир ижара тўловлари, солиқлар, очлик, маъмуриятнинг ўзбошимчаликлари, судхўрларнинг талончилиги авжига чиққанди. Булар камбағал деҳқонларни “гуруч исёнлари” деб номланган ва табора хавфли тус олаётган халқ исёнларининг асосий кучига айлангирди.

Япон консерватив феодализи сиёсий характерга кўра ривожланиб борди. Японияда абсолют давлатни вужудга келиши тарихий воқеа бўлди. Феодалларнинг ўзаро низоларига чек қўйилиши натижасида ишлаб чиқариш кучининг ўсишига сабаб бўлди. Аграр сиёсатда ҳам

Ўзгаришлар содир бўлиб , эндиликда мамлакатда пахта, шакарқамиш, табака ва картошка экиш кенг тарқалишига олиб келди. Мамлакатда ихтисослашган туманлар ва ва меҳнат ҳудудларини шаклланиши кузатилди. Шаҳарларда хунармандчили ва ишлаб чиқариш маҳсулотлари турлари кўпайди. XVIII да Японияда 150 дан ортиқ хунармандчилик тури мавжуд бўлиб, товар маҳсулотлари сифати ҳам яхшиланиши намоён бўлди. Мамлакатда ички савдо кенгайиб борди<sup>8</sup>.

Лекин япон абсолютизми ташқи савдода анча оқсади. Суёғунат ташқи сиёсатда изоляционизм тамойилида иш юритди. Япон абсолютизми ташқи савдонинг дастлабки капитал оқимини тўсиб турди ва капитализмни ривожланишига ҳалақит берди.

Япония XIX аср ўрталарида ҳам феодал мамлакат бўлиб қолаверди. Феодал режимнинг асослари деҳқон хўжалигини барбод қилди. Деҳқонларнинг ерда ажралиши, ўз хўжалигига эга эмаслиги, уларга “ичиладиган сув» номи шундан келиб чиқган<sup>9</sup>.

XVIII асрда Япония иқтисодий тараққиёти тўхтади. Ночорлик болалар туғилишига чеклов қўйишга олиб келди. Ҳаттоки аҳоли кўпайиши камайди.

Шунга қарамай японияда феодализмга зид бўлган ер хўжалиги тизими ва бошқарувчилар синфи ўртасида мувофиқлик кузатилмади. Самурайларнинг камбаллашуви феодализм иерархиясидан ташқарида бўлган ронинлар табақасини кўпайишига олиб келди. Бундай самурайлар бажонидил шаҳарлик бой аёлларга уйланар ёки фан, медицина, ўқувчилик ҳамда хаттоки хунармандчилик ва савдо сотиқ билан шуғулланишга мажбур бўлганлар.

Японияда феодал тизимнинг парчаланишида ички савдони

---

<sup>8</sup> Елисеев Д. История Японии. Между Китаем и Тихим океаном. – М.: Евразия, 2009. – С. 58.

<sup>9</sup> Япония, открытая миру: Монография. – М.: 2007. – С. 74.

ривожланиши муҳим роль ўйнади. Унинг асослари қишлоқ хўжалидан хунармандчиликнинг ажралиб чиқиши, шаҳарларни қишлоқлардан ажралиши, меҳнат тақсимотини географик бўлиниши, ишлаб чиқариш техника маданиятининг кенгайиши ва бошқалар бўлган.

XVIII–XIX асрларда Японияда феодализмнинг парчаланишига яна бир сабаб ишлаб чиқариш мануфактура тизимининг ривожланиши билан характерланади. Деҳқонлар уй шароитида етиштирилган маҳсулотлари бозорда маҳсулот айирбошлашга жалб қилинади. Сотувчилар кўлига тушган маҳсулотлар тобора капиталистик мануфактура тарқоқ турининг ривожланишига олиб келди.

Шунга қарамай, Япония феодал тизим кўпинча профессионал хунармандларнинг шаҳарларда тўпланиши сабабли ривожланган эди. У мануфактурани марказлаштириш учун техник база яратган эди. Юқори усталик шойи маҳсулотларини, сопол ва чинни буюмлари, елпиғич, зонтик ва қилич каби маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожланишига олиб келди. Шу билан бирга гуруч ва гречкани озалашни янги усулларини кашф қилиниши, балиқчилик маҳсулотларини қайта ишлаш, асалчилик, сакэ тайёрлаш ҳам тараққий этган. Темир маҳсулотларига талаб кам бўлсада бир неча турлари ишлаб чиқилган эди.

Европада бўлган сингари Японияда ҳам ишлаб чиқариш мануфактурасини ривожланишида хунармандчилик моддий база вазифасини бажарган. Лекин катта корхоналар очиш учун кўплаб капитал ва ёлланма ишчилар зарур эди. Шунинг учун Японияда ўрта асрларнинг сўнгида дастлабки капитал жамғариш жараёни содир бўлди. Шу муносабат билан Осака ва Эдо тадбиркорлари ҳамда судхўрлари кўлида катта маблағлар тўпланганлига гувоҳ бўламиз.<sup>10</sup>

Японияда феодализм инқирози ва капитализмнинг ривожланишга

---

<sup>10</sup> Родригес А.М. История стран Азии и Африки в новейшее время. – М.: Проспект, 2009. – С. 141.

Ўтиш учун катта давр яъни XVII–XIX давларни ўз ичига олган вақт керак бўлди. Бу ҳақда аграр соҳа аҳолисининг кўпайиши, оммавий пауперизм, судхўрлар капиталидан фойдаланишни ривожланиши, мануфактура ишлаб чиқариш тизимининг секин тараққий этиши буни исботлайди. Япониянинг ташқи дунёдан изоляцияси капитал оқимини камайишига олиб келганлиги ҳам яна бир асосий сабаб бўлганди. Токугава сёгунати даврида Япония бошқа мамлакатлар техникавий маданиятидан фойдаланишдан ҳам маҳрум эди. Япониянинг цех тизими маҳсулот ишлаб чиқаришни белгилаб қўйилгани мануфактурани ривожланишига ҳалақит берарди. Лекин бу катта оралиқни юзага келишига асосий сабаб мамлакатдаги умумий феодал режимнинг хукмронлиги бўлган. Мамлакатда зўравонлик хукмронлик қиларди шунинг учун савдогарлар ва судхўрлар ишлаб чиқаришга инвестиция беришдан қочарди. Буржуазия хусусийлик сиёсий кафолат беришга ожизлик қилган. Деҳқонларнинг камбағаллиги мануфактура буюмларини сотиб олишга имкон бермасди. Шунинг учун улар эҳтиёжларини ўз уй хўжалиги шароитида ишлаб чиқарган маҳсулотлари билан таъминладилар. Мануфактура маҳсулотларини экспорт қилиш учун шароит яратилмаганди.<sup>11</sup>

XVIII асрда тўқимачилик, ип йигирувчилар, бўёкчилик, кулолчилик мануфактуралари пайдо бўлди. XIX асрнинг биринчи ярмида япония мануфактура саноатида механизациялаштириш онда сонда учраб турарди. Мануфактура саноатига князлик маблағлари жалб қилина бошланди. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Токугава ҳукумати давлат ҳисобидан темир маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва кемасозлик заводлари қурила бошланди. «Мейдзи инқилоби» давригача

---

<sup>11</sup> Кузнецов Ю.Д. История Японии: Учебник. – М.: Высшая школа, 2006. – С. 118..

умуман 420 мануфактура мавжуд эди<sup>12</sup>.

Шундай қилиб, Японияда капитализм генезиси азалдан бошланган бўлиб, у эса ўз навбатида феодализмнинг ички парчаланиш жараёни, халқ оммасини экспроприация қилиш ва катта капитал маблағларининг шаклланишига таянарди<sup>13</sup>.

Японияда Токугава сёгунатининг иқтисодий инқирози XVIII аср охирларида кузатилди. Ўзаро феодал синфлар ўртасидаги қарама қаршилиқлар шароитида халқ норозиликлари хусусан, узлуксиз деҳқонлар кўзғолонлари ва «гуруч бунтлари» кучайди. Токугава сёгунати даврида 1163 деҳқонлар кўзғолони бўлиб ўтди<sup>14</sup>.

XIX асрнинг биринчи ярмида япон қишлоқларида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Шу вақтдан бошлаб натурал оброк тизимида натурал-пул рента шакли қўлланила бошланди. Натижада деҳқонлар судхўрлар ва бадавлат деҳқонларга муҳтожлиги ошди. Сёгунат қонунлари деҳқонлар чек ерларидан бегоналишини таъқиқларди. Лекин заминдорлар ўз ер мулкларини гаровга қўйишга мажбур бўлишди. Қишлоқларда камбағал фуқароларни эксплуатация қилувчи гоно бой деҳқонлар табақаси вужудга келди. Гоналар табақасига госи – самурайлар ичидан бой бўлган заминдорлар яқин турган. XIX асрнинг ярмида қарийб 1/3 ишлов берилган ерлар савдогарлар, судхўрлар, “гоно” ва “госи”лар қўлида эди. Ерсиз ижарачилар табақаси кенгайди. Зеро қонун ер мулкани майдалашиб кетишига қарши бўлган. Деҳқонлар расман даймёлар учун солиқ тўловчи чек ерларга эга бўлиб, “янги помещик”ларга юқори миқдорда ижара тўловлари тўлашган.<sup>15</sup>

Мамлакатнинг жануби-ғарбий вилоятларида феодал уруғчилик

<sup>12</sup> Япония, открытая миру: Монография. – М., 2007. – С. 77.

<sup>13</sup> Елисеев Д. История Японии. Между Китаем и Тихим океаном. – М.: Евразия, 2009. – С. 63.

<sup>14</sup> Новейшая история стран Азии и Африки: Учебное пособие. – М.: МГИМО-Университет, 2008. – С. 66.

<sup>15</sup> Родригес А.М. История стран Азии и Африки в новейшее время. – М.: Проспект, 2009. – С. 164.

тизими қайта уйғона бошлади унинг буржуа муносабатларининг ҳаётга чуқурроқ кириб боришида ўз аксини топиб борган эди. Ушбу худуд князлари ишлаб чиқариш ва савдо сотикни ривожланишини, қишлоқ хўжалигини ихтисослашувига кўмак берувчи техник маданиятни шакллантиришга хисса қўшишди. Бу муносабатларда асосан Сацума даймёси Симадзу шуҳрат қозонди <sup>16</sup>.

1853 йилда у европа техникасидан фойдаланиб, кўплаб ишлаб чиқариш завод ва фабрикаларини қурди. Жумладан, тўқимачилик фабрикалари, шакар ишлаб чиқариш бўйича заводлар, ойна, олтингугурт кислотаси заводлари бунёд этган. 1854 йилга келиб Япония тарихидаги энг катта харбий кемасини сувга туширди.

## **I.2. Япониянинг очилиши ва нотенг шартномалар даври**

Токугавани узоқ муддатли ўз-ўзини изоляция қилиш даври 1854 йилга келиб, Американинг командор Перри эскадраси туфайли Япониянинг ташқи дунё учун очилганини билдирди. Ушбу давр тарихий аҳамиятга эга бўлиб, АҚШ эскадрасига ким бошчилик қилган ва бу Шарқ мамлакатада АҚШнинг қандай қизиқишлари бўлган деган саволлар пайдо бўлди.

XIX асрнинг ўрталарига келиб Япония икки асрлик изоляциядан сўнг ҳорижий державалар билан юзма-юз тўқнашишга тўғри келди. 1851 йилда командор Перри Япония соҳилларига ўз кемасини йўналтириш учун топшириқ олди. Адмирал бу учун эскадрасига камида 7 кема зарур деб ҳисоблади. Бу “Missisipi”, “Susquehanna”, “Powhatan”, “Allegheny” буғ кемалари; “Plymouth” ва “Saratoga” соқчи кемалари ва яна “Vermont” кемасидан ташкил топган эди. Нима учун буғ кемалари

---

<sup>16</sup> Алпатов В.М. История и культура Японии. – М., 2006. – С. 155.

алоҳида танланган эди? Бунинг жавоби оддий – денгизчиларсиз кемалар японларни кўрқитиши лозим эди. Шу билан бирга ҳарбий ҳаракатлар хавфи туғилиб қолган тақдирда кучли қурол аслаҳалар керак бўлишини ҳисобга олган эдилар<sup>17</sup>.

Япониянинг очилиши АҚШ учун қуйидаги эҳтиёжлар сабаб бўлган:

- Япон портларидан “кумир базаси” сифатида фойдаланиш, Америка пороходлари кумир олишга имкониятлари бўлиши керак эди. АҚШдан олдин Гавайа оролидан фойдаланиб келарди. Сан Франсиско билан бир чизикда турувчи япон портлари анча қулайлик туғдирарди,
- Шу билан бирга бу кенгликда Америка денгизчиларининг эркин сузишлари учун хавфсизлик таъминланиши лозим эди;
- Энг асосийси АҚШ учун Япония бозори керак эди<sup>18</sup>.

Шу сабабли, командор Герри Япон соҳилларига жўнаб кетди. Унинг 1853 йили 8-июлдаги дастлабки уриниши муваффақиятсизлик билан тугаган эди. 1854 йил февралда Командор Герри “Қора кема”сида Японияга етиб келди. Япон ҳукуматига тақдим этган баёнотида Европа учун очик бўлиши лозим деб таъкидланган эди. Ҳорижий мамлакатларга душманчилик кайфияти юқорилиги ва кучли миллийликка эга бўлишига карамай, Япония ҳукумати Ғарб агрессиясига қарши тура олмаслигини тушуниб етди. Нагасаки, Хакадатэ ва Симода портлари АҚШ кемачилари учун очилди. 1854 йил 3 мартда тузилган Канагава шартномасидан сўнг, Америка консули Симода портига кўчиб келди.

1853 йил 21 август Нагасакига рус эскадраси қўмондони вице адмирал Путятин келиб тушди. У Япон ҳукуматидан тинчлик йўлида

---

<sup>17</sup> Дейноров Э. История Японии. – М. АСТ, 2008. – С. 121.

<sup>18</sup>

савдо алоқаларини ўрнатиш ҳамда рус ва японлар бошқарадиган шимолий япон соҳилларида демаркация ўтказиш юзасидан келиши учун келган эди. Сёгун яқин кунларда жавобини беришни айтгандан кейин рус эскадраси жўнаб кетди. Японияда 30 йилдан бери катта кемалар қуришга йўл қўйилмаган эди.

Россия қизиқишлари икки таҳдидни келтириб чиқарса, иккинчидан мавжуд хавф ҳам бор эди. Изоляция тугаши Японияга киришдан ташқари, японияликларни ҳам ташқарига чиқишини билдиради. Бу қўшни давлатлар билан ҳуудий зиддиятларни келтириб чиқара бошлади. Адмирал Япония ҳукуматига Россия учун янги ерларнинг кераги йўқлиги, аксинча Япония ва Россиянинг умумий душманларига қарши иттифоқчиликка қақаришга келганини билдирди. Бу билан рус ҳукумати мавжуд рақибни иттифоқчига айлантиришга истаган эди<sup>19</sup>.

“Россия қўшни бўлганлиги учун бошқа державаларга қараганда икки томонлама қулай бўлган ўзаро муносабатларга ҳақлидир”, - деб ёзган эди Япон ҳукуматида ёзган хатида Россия ташқи ишлар вазири граф Нессельрод.

Путятин Америка ҳукуматининг олиб бораётган сиёсати ўзининг Япония билан тинчлик йўли орқали музокараларга кириш бўйича режасига етказиб беришини англаб етди.

Сёгун Япония раҳбари сифатида император ва князликларни уларнинг бошлиқларини бунга муносабатини сўради. 258 княздан 41 таси ўз фикрини билдиришга журъат этган бўлса, улардан 22 таси Америка томон, 19 таси бунга қарши чиқди. Япония бу босимга қарши тура олмагани учун Америка қизиқишларини ифодалайдиган шартнома

---

<sup>19</sup> Стрирсова И.Б. Генезис российской политики в Отношении Японии в XVIII – начале XIX века. Авторефер. дис. – Саранск: Изд-во. МГУ, 2005. – С. 27.

имзолади.

Бу вақтга келиб Нагасакига Рус эскадрасининг тўрт кемаси ҳам келиб тушди. Японлар буни кутишаётганди. Японлар эҳтиёткорлик билан музокаралар олиб борардилар. Ўз ички имкониятларини яшириш учун матолар билан денгиз кемалари атрофи ўралганди. Рус кемалари олдини кемачалар билан беркитишга ҳаракат қилинди. Кучли бўрон кўтарилишини бу айёрона яширувни ошкор қилди<sup>20</sup>.

Путятин ўз ёзишмаларида “Биз хатоларсиз музокараларга боришни истаганмиз, бу пайтда японлар ҳарбий ҳолати унчалик яхши эмас эди. Бир зарба билан бандаргоҳга катта талофат етказса бўларди. Биз музокараларда яхши жангдан кўра, ёмон тинчлик йўлини танладик” деб ёзган эди<sup>21</sup>.

Сахалиндан XIX асрнинг энергия манбаси бўлган кўмир конининг топилиши вазиятни янада чигаллаштирди. Эндиликда рус ҳукумати музокаралар ўтказишга шошила бошлади.

Японияликлар ишни қўлдан келгунча ортга сурарди. Улар хат Петербургдан раҳбариятга жўнатилган ва жавобини кутяпмиз деган жавобдан уёғига ўтмасди. Илтифотга илтифот билан жавоб кайтаришарди. Лекин бундан бошқасига ўтишни истамасди. Адмиралнинг ўзи Эдога боришни айтса, япон халқи ҳорижий денгизчини пойтахтда кўришни ишашмаслигини билдиришди. Музокаралар тўхтаб туришига яна бир сабаб сугунни тўсатдан вафот этгани бўлди. Путятин ва Перри бу муаммо ечимини ортга сурилаётгани ҳақида хабар беришди. Лекин америкаликлар кутишга имкониятлари бор бўлса, русларда эса Қора денгиздаги ҳарбий ҳаракатлар

---

<sup>20</sup> Иконникова Т.Я. Очерки истории взаимоотношений России и Японии в конце XIV в. – 1917 г. – Хабаровск? Изд-во ХПГУ, 2007. – с. 134.

<sup>21</sup> Стрижова И.Б. Генезис российской политики в отношении Японии в XVIII – начале XIX века: автореф.дисс. – Саранск: Изд-во Мордовского Государственного Университета. 2005, - С. 31.

бошлангунча шартнома тузиши керак эди.

Японлар ва ниҳоят сёгун қиличини ҳамкорликка ҳайихоҳ сифатида совға қилишди. Саккиз марта учрашувдан кейин принципал келишига эришилди. Музокаралар узок давом этди. Кўплаб узилишлар, кўчиришлардан кейин Симода шаҳрида музокаралар якунланди. Бу вақт оралиғида “Паллада” ва “Диана” фрегатлари чўкиб кетди. 1855 йил февралда тарихда биринчи марта Симод тракти номи билан машхур бўлган Россия-Япон шартномаси имзоланди.

1854 йил 31 март Канагава шаҳрида “тинчлик ва дўстлик ҳақида”ги шартнома имзоланди. Унга кўра Япония АҚШ билан савдо алоқалари ўрнатиш учун Симода ва Хакодата бандаргоҳлари очилди. Симадада Америка консуллиги таъсис этилди. Худди шундай шартномалар Англия, Франция, Голландия ва бошқа капиталистик мамлакатлар билан ҳам тузилишига эришилди.

1855 йил 7-феврал Симодадада Россия ва Япония ўртасида шартнома тузилиб, унга кўра Симода, Нагасаки ва Хакодата портлари Россия кемалари учун очилди. Шартномага кўра Курилл ороллари Россияга тегишли деб белгиланди<sup>22</sup>.

1854 йилдаги Япон-Америка шартномаси икки миллат ўртасида “Абадий тинчлик ва дўстлик” тўғрисида бўлиб, кемалар издан чиқиши ва носозликлар юзага келса, инсонпарварлик муносабатларини ўрнатиш мақсадида америкаликлар учун Симода бандаргоҳининг очилиши ва бир йилдан сўнг Хакодата бандаргоҳи ҳам очик бўлишига келишилди. Савдо-сотик япон қонунларига мос тузиши ва япон амалдорларининг воситачилигида амалга оширилиши белгилаб қўйилди. АҚШ 180 йилдан кейин Симодада ўз консулигини тайинлади. Кейинроқ 1858

---

<sup>22</sup> Стрижова И.Б. Генезис Российской политики в отношении Японии в XVIII – начале XIX века. Авторефер.дисс. – Саранск. Изд-во МГУ, 2005. – С. 34.

йилга келиб АҚШ Япония учун нотенг шартномалар тузилишига эришилди.

1857 йил Симодададаги АҚШнинг бош консули Таунсенду Харрисуда Иедогача кириб борди ва ўзининг ваколатини шахсан Иесада сёғунига топширди.

Вақтинчалик тузилган шартномалар 1858 йилда сёғунлик номидан 18 августда Голландия 19 августда Россия, 23 августда Англия ва 7 ноябрда Франция билан тузилди. Императорнинг рухсатисиз Японияга хорижлик тадбиркорларнинг кириши японияликларнинг норозилик ҳаракатларига олиб келди. 1865 йилга келиб сёғун императордан шартнома учун санкуля олишга эришди. 1867 йилда шартномаларнинг тўлиқ амалга ошиши хорижликлар учун Хього (Кобэ) очилишига сабаб бўлди.

Мамлакатнинг ташқи савдо учун очилиши мамлакатдаги маҳсулотлар нархи ошишига олиб келди. Аҳоли ҳариди учун эндиликда маҳсулот етишмаслиги кузатилди. Иккинчи томондан, арзон нархдаги газлама маҳсулотларининг импорти натижасида маҳаллий хунармандлар хонавайрон бўлишди. Японияда олтин нархи жаҳон бозорига қараганда 3 (уч) баробар арзон бўлганлиги сабабли бу ердан хорижга олтин ва кумушларни олиб чиқиб кетиш кўпайди. Буларнинг барчаси иқтисодий тартибсизликнинг авж олиши ва фирибгар сотувчиларнинг кўпайишига сабаб бўлди. Бир неча нотенг шартномалар имзоланиши мамлакатда норозиликлар авж олишига олиб келди.

### **I.3. Мэйдзи инқилоби ва император ҳокимиятининг қайта тикланиши**

1866 йил охири – 1867 йил бошларида дехқонларнинг чиқишлари янада авж олди. Баъзи бир шаҳарлар Сёгунат ҳукуматига бўйсунушдан бош тортди. Йирик савдогарларнинг барчаси ҳукумат билан ҳисоблашмасди ва ўзи билганча фаолият олиб борарди. Фақат мамлакат пойтахти Эдо шаҳригина Сёгун ҳокимиятини асраб қолишдан манфаатда эди.

1867 йилда император Комей вафотидан сўнг тахтга 15 ёшли Муцихито ўтиради. Бундан фойдаланган антисёгунат вакиллари император номидан меморандум тузиб ҳукуматни императорга зудлик билан қайтариб беришни талаб қилиб чиқишди. Ушбу меморандум 1867 йилда Тоса князлиги сёгуни Кайки қўлига топширилди. Мухамефатнинг куч қудратини кўриб турган сёгун меморандумдаги талабларга кўнишга мажбур бўлди ва урушга тайёргарликни бошлаб юборди. Мухомефат ҳам ўз навбатида қуролли тўқнашувга тайёрлана бошлади. Беш князликнинг ҳарбий кучлари кучли армияга бирлашишди, лекин сёгунлар ҳам ўз жангчиларини Киотода тўплашди. 1868 йил январда бўлиб ўтган Фусима ва Тободаги жанглардагимағлубиятдан сўнг сёгун Эди шаҳрига қочиб кетади. 1868 йил май ойига келиб сёгун жангсиз таслим бўлди. Шунга қарамай, Токугава тарафдорлари билан ҳарбий ҳаракатлар тугамади. 1868 йил сёгун тарафдорлари Хонсю оролида мағлубиятга учрадилар. 1869 йил баҳорида ҳукумат қўшинлари Хоккайдо оролидаги исёнчиларни енгдилар. Сёгунат амалда йўқ қилиниб, бу япон тарихида “Мэйдзи” инқилоби номи билан шуҳрат қозонди. Бу ном император Мусихитонинг тахаллуси бўлиб, “Маърифатли бошқарув” маъносини англатади.

1868 йилда Япония тарихида жуда муҳим туб бурилиш босқич бошланди. Шу йилда бўлиб ўтган воқеа “Мэйдзининг<sup>23</sup> қайта тикланиши”, ёки “Мэйдзи исин” деб ном олди. Уларнинг дастлабки сиёсий натижаси сёгуннинг ағдарилиши ва мутлоқ монархия шаклидаги япон императори ҳокимиятининг қайта тикланиши бўлди. Бу воқеалар тўғридан-тўғри маънодаги буржуа инқилобига ўтмади. Японияда бу вақтда буржуа инқилоби мақсадларини ҳимоя қилишга, жумладан, неофеодализмни, мутлоқ ҳокимиятчилик режимини ва бошқаларни тугатишга қадар бўлган буржуазия ҳам бошқа сиёсий кучлар ҳам йўқ эди.

“Мэйдзининг қайта тикланиши” ўз моҳиятига кўра буржуа инқилобининг дастлабки босқичи талабларига мос келди. Бу талаблар Японияга ғарб капиталининг кириб келиши таъсири остида кучайган феодал миллатчиликнинг кўринишларидан бири бўлиб қолганди. 1865 йилда Англия кейин АҚШ “Японияни очишга” ва уни ўзларининг Узоқ Шарқдаги мустамлакачилик сиёсатида олдинги пунктга айлантиришга интилиб, “Канонерка<sup>24</sup> сиёсати” ёрдамида сёгунни тенгсизлик шартномаларидаги савдо шартномаларини ратификация қилишга эринганлар. Бу шартнома талабларига биноан “қуёш ботувчи мамлакат” савдо муносабатларида ярим мустамлака Хитойга тенглаштирилган эди.

Япониянинг ўз мустақиллигини йўқотиш хавфи миллий ҳаракатни тезлаштирувчи туртки бўлди. Бу ҳукумат ҳукмрон доираларни, самурайлар – “дворян инқилобчилар”нинг “мамлакатни тиклаш ва бирлаштириш”. Уни мустақил ва эркин яшашини таъминлай оладиган кучли марказлашган давлат ташкил қилиш зарурлигини тушуниб етиш даражасига қараб ривожланиб борди. Мамлакат бирлигига ва кучли

---

<sup>23</sup> Мэйдзи – “маърифатли бошқарув” – япон императори Муцухито бошқарув йиллари (1868-1912) нинг расмий номи.

<sup>24</sup> Канонерка – бир неча ўнта калибрли тўп билан қуролланган кичик кема.

марказлашган давлат барпо қилишга эришишнинг ягона йўли – буржуа характердаги ислохотлар ўтказиш эди.

Японияда XIX асрнинг 60-йиллари охирида сёгун ва император тарафдорлари ўртасида бошланган кураш ислохотлар ўтказиш керакми ёки йўқми деган масала билан эмас, бу ислохотларни ким ўтказди деган масала билан боғлиқ эди. Сёгун ҳокимиятини йўқ қилиш ва император ҳокимиятини тиклаш шиорлари ислохотчи кучларни бирлаштирувчи умумғоявий платформа бўлиб қолди. Бу шиорлар анъанавий диний асосларга таянади. Бунда бакуфга қарши диний мафкура муҳим ўрин тутди: буддизм сёгуннинг дини императорни илоҳийлаштирувчи японларнинг қадимий дини – синтога қарама-қарши қўйилди.

Самурайларнинг узокни кўра билган доиралар японларни ташқи хавфга қарши бирлаштираоладиган ягона таянч – бу императорни илоҳийлаштирувчи японларнинг ташқи хавфга қарши бирлаштираоладиган ягона таянч бу император тахти, император шахси эканлигини тушуниб етганлар. Японияда айнан шу вақтда “тэнноизм” вужудга келганлиги ҳам бежиз эмас эди.

Тэнноизмнинг жорий қилиниши японларнинг дин эркинлиги анъаналарини тўғридан-тўғри бузишни англатарди, чунки японлар, маълумки, турли динларнинг худоларига сиғинардилар.

Ҳукмрон доиралар тэнноизмдан халқ оммасини мафкуравий бўйсундириш курали сифатида фойдаланганлар. Тэнноизм фақат Япониянинг миллий вазифаларини ҳал қилишга, балки Япониянинг кейинги агрессив ташқи сиёсатига ҳам хизмат қилган Японияда 1868 йиллардаги норозилик чиқишлари Япония учун анъанавий характердаги диний масалаларга оид намоишлар ва турли рақс ўйинлари эди. Бундай чиқишлар кўпинча ҳукмрон доиралар томонидан гўёки “иккита халқ

норозилигини чиқариш” учун сахналаштирилди.

Охирги сёгун Кейки ҳозирги юзага келган вазиятда зарурий шарт деб якка ҳокимликни кўрсатиб, тахтдан воз кечди. Тарихчилар таърифлаганидек, “бир лаҳзалик фуқаролар уруши” аланга олмай жуда тез бостирилди. Бу уруш фақат сёгуннинг императорга бўйсунушидан бош тортганлиги муносабати билан самурайларнинг қисқа вақтли тўқнашувидан иборат бўлган эди. Императорни мамлакат ичкарисида ҳам, ташқарисида ҳам сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан қўллаб-қувватлайдиганларнинг сони кундан-кунга кўпайиб борди. Масалан, Жанубий-ғарбий князликларнинг деярли барча мустақил даймёлари ўзларининг ўша вақтдаги замонавий қурол-яроғлари ва қўшинлари билан император томонидан туриб курашдилар. Англия ва АҚШ билан ҳам очикдан-очик ҳарбий тўқнашув бўлмади. Япон ҳукмрон доиралари тез орада ғарбнинг тўп замбараклари остида “варварларни ҳайдаш” учун курашдан воз кечдилар. Японияда сиёсий беқарорликнинг келиб чиқишидан ғарб мамлакатлари ҳам манфаатдор эмас эдилар. Чунки улар Хитойдаги сингари халқ қўзғолонлари келтириб чиқарган офатлар ва вайронагарчиликларнинг такрорланишини ҳеч истамас эдилар. Шу сабабли улар тез орада илгари сёгун билан олган таянчи император томонидан ҳам ҳосил қилинишига муваффақ бўлдилар.

Япониядаги ислоҳотлар Британия миссиясининг бевосита иштирокида ўтказилганлиги ҳам тасодифий эмас эди. Шундай қилиб, Япониянинг ҳукмрон доиралари ушбу ўзига хос “юқоридан туриб амалга оширилган инқилоб”да, яъни ислоҳотлар ўтказиш давомида иккита вазифани, биринчидан, мамлакат суверенитетини ҳимоя қилишдан иборат умуммиллий вазифани ва иккинчидан, халқ ҳаракатларини инқилобий курашлардан инқилобий эмас, ислоҳотлар йўлига буришга қаратилган ижтимоий вазифани ҳал қилдилар.

Токугава ўрнига келган янги сиёсий режим қийин аҳволга тушиб қолган эди. Император ҳукумати бошида икки киши яъни Окубо Тосимити ва Кидо Такамаса ўтирган эди. Буларнинг иккиси ҳам самурайларнинг пастки табақасидан келиб чиққан эдилар. Ушбу дастлабки раҳбарлар ўзлари олдига сиёсий тартибсизликни бартараф этишни ва ғарб давлатларининг бошқарув структураси ҳамда ҳарбий техникалари ўзлаштиришни мақсад қилиб қўйган эди. Шунга қарамай, дворянларнинг имтиёзи сақлаб қолиниши тарафдорлари бўлинди.

Аммо ислоҳотларни ўтказиш қатор қийинчиликларни олиб келди. Сёгунатни йўқ қилган кучлар қатлами турли хил эди. Император маъмурияти улар ўртасида мувозанатни ушлаб туриш қийинлигини тезда фаҳмлади. Биринчи қатлам феодал тизимга қарши чиққан дехқонлардан ташкил топган, иккинчи қатлам ҳали унча куч йиғиб олмаган буржуа гуруҳи бўлиб, камбағаллашган дворянлар ниқоби остида ҳаракат қилганлар, сўнггиси сёгунга қарши бўлган йирик феодаллар қатлами бўлган. Коалицион ҳарбийлар анти сёгун блокини тузишга эришди<sup>25</sup>. Лекин ғалабани таъминлаган асосий куч дехқонлар синфи бўлган. Юқорида таъкидланган ҳарбий ва феодаллар блоки вақтинчалик ўз кучини сақлаб турди. Ғалабадан кейин ушбу гуруҳлар ўртасида ўзаро низолар бошланди. Дехқонлар қатлами сезиларли даражада ўзгаришни кўришмади ва феодалларга қарши курашни давом эттиришди.

1866 йилда сёгунга қарши 17 йирик дехқонлар қўзғолони мамлакатларда ислоҳотлар вақти келганлигини кўрсатди. 1869 йилда Мэдзи даврида қўзғолонлар сони 42 тага етди. Дехқонлар қўшинининг сони 200 – 250 минг кишигача борди. Ҳукумат қўшинларини фақат замонавий қуролларгина сақлаб қолган эди.

---

<sup>25</sup> Акияма Кэнзоо. История Ниппон. Наука. М., С. 214.

1872 йилда умумҳарбий чақириқ жорий этилди. Дехқонлар қўзғолони мамлакатда ислоҳотлар вақти келганини кўрсатди. Император ҳукумати ичида ҳам тарафкашлик бошланди. феодаллар ва буржуазия томонида турувчи вазирлар гуруҳи юзага келди. Буржуа ислоҳотлар феодал қаршилигига учраганлиги учун тўлиқ амалга ошмаган ва бу ислоҳот “Мэйдзининг тугалланмаган буржуа инқилоби” деб тарихда ном олди.

1877 йилда мамлакат бутунлай бирлашишга эришилди. Даймёликлар ва феодал мулклар бутунлай йўқ қилиниб ўрнига перфектуралар тузилди. Улар ўз навбатида марказий ҳокимиятга бўйсунар эди. Самурайлар қатлами тўлиқ бўлмасада ўз имтиёзларини сақлаб қолган эди.

1872 йил умумий ҳарбий мажбурият жорий этилди. Самурайларнинг армиядаги монополиясига чек қўйилди. Дехқонлар бўйнига яна оғир вазифа армияда хизмат қилиш юкланди. Аммособийлар қатлами ҳали ҳам самурайлардан ташкил топар эди. 1872-1873 йилларда ер ислоҳоти ўтказилиб, хусусий мулкчилик жорий этилди. Бу билан ҳукумат ўз томонига бадавлат дехқонлар қатламини оғдириб олмоқчи эди. Ижтимоий базани яратиш учун капитализмга қўйилган биринчи қадамлардан бири эди.

Лекин дехқонларнинг кўпчилиги ерсиз ижарачига айланиб қолди. Инқилобгача катта ер мулклари судхўр, савдогарлар қўлига ўтиб кетган эди. 1872-1873 йиллардаги ислоҳот янги помещиклар қатламининг пайдо бўлганини қонунийлаштирди. 1872 йилда расман ер олди соттисига рухсат берилган. Бу эса дехқонларнинг жуда ҳам оғир аҳволга тушишига сабаб бўлди.

Аграр ислоҳот “янги помещиклар”нинг, янги пулдор аслзодаларнинг, янги судхўрлар, гуруч олиб-сотарлар, қишлоқ

тадбиркорлари, ерларни амалда ўз қўлларида тўплаб олган қишлоқнинг бойиган юқори қисми ва бошқа шу кабиларнинг мавқеи мустаҳкамланишига олиб келди. Айти вақтда майда ер эгалари – дехқонларнинг манфаатларига жиддий зарба берди. юқори ер солиғи (эндиликда барча даромадлар 80% кўпинча қиймати ҳосилнинг ярмигача етадиган ер солиғидан тушарди) дехқонларнинг оммавий хонавайрон бўлишига, иқтисодий мажбурлов воситалари ёрдами билан эксплуатация қилинадиган ижрочи дехқонлар сонининг бирданига ўсиб кетишига олиб келди.

Ислоҳот муҳим сиёсий оқибатларни ҳам келтириб чиқарди. Бу вақтда ҳали сақланиб қолган помещчик ер эгаллиги ва япон мутлоқ ҳокимиятчилик ўзаро бир-бири билан боғлиқ эди. Помещчик ер эгаллиги фақат мутлоқ яккаҳокимиятчилик давлатининг тўғридан тўғри қувватланиш ҳисобига, хатто қишлоқ хўжалигининг сурункали инқирозлари сифатларида ҳам деярли XX асрнинг ўрталарига қадар дахлсиз қолиши мумкин эди. Айти вақтда “янги помещчиклар” мутлоқ яккаҳокимлик ҳукуматининг ўзгармас таянчи бўлиб қоладилар.

Японияни ғарб мамлакатлари томонидан экспансия қилиш хавфи бу ерда “бой мамлакат кучли армия” шиори остидаги бошқа ислоҳотларнинг, жумладан, ҳарбий ислоҳотлар ўтказишни талаб қиларди. Бунда аввал аҳолининг қуйи табақаларини ҳарбий хизматдан четлаштиришга қаратилган принципларни тугатиши лозим эди.

1878 йилда умумий ҳарбий мажбурият ҳақидаги қонун қабул қилиниб, амалга киритилди. Бу қонуннинг қабул қилинишига, биринчидан, самурай қўшинларининг тарқатиб юборилганлиги, иккинчидан, 1871 йилда “ҳамма табақалар тенглиги”нинг эълон қилинганлиги сабаб бўлди. Японияда армия гарчанд Европадаги армиялар намунасида ташкил қилинган бўлса ҳам, бироқ унинг

мафкуравий асосини император “тирик худо”га сиғиниш, “офицер – аскар отаси” деб қараш ва ҳоказолардан иборат ўрта асрларга хос самурайларнинг ахлоқий қоидалари ташкил қилган.

1872 йилда шунингдек эски унвонларнинг тугатилганлиги ҳақида қонун қабул қилинди. Унда мамлакатнинг табақавий бўлиниши соддалаштирилиб, аҳоли олий аслзодалар (кидзоку) ва қуйи дворянлар (сидзоку)га бўлинди; аҳолининг бошқа ҳаммаси оддий халқ таркибига киритилди. “Табақаларнинг тинчлиги” ҳарбий мақсадлардан, аралаш никоҳларга рухсат беришдан, шунингдек, аҳолининг таҳқирланган касталари ҳуқуқларининг расман тенглаштирилишидан нарига ўтмади. Янги армияда ҳам лавозимларини самурайлар эгаллаб олганди. Ҳарбий мажбурият умумий бўлиб қолмади, ундан пул тўлаб қутилиш мумкин эди. Шунингдек, амалдорлар талабалар (асосан бадавлат оилаларнинг болалари), йирик солиқ тўлоқчилар ҳам ҳарбий мажбуриятдан озод қилинганди.

1872 йил “Умумий таълим ҳақида”ги қонун “бирорта ҳам саводсиз бўлмади” деб эълон қилинган демогагик шиорнинг амалга ошишига олиб келмади, чунки таълим пуллик ва илгаригидек жуда қиммат бўлиб қолаверди. Бироқ бу қонун ривожланаётган капиталистик саноатни ва янги маъмурий аппаратни ўқимишли кишилар билан таъминлаш мақсадларига хизмат қилди.

Конституциянинг 1-моддасида Япон империясида “асрлар давомида ягона ва узлуксиз” сулолага тегишли император подшолик қилади ва давлатни бошқаради, деб кўрсатилди. Император шахси “илоҳий” қонунга биноан “муқаддас ва дахлсиз” деб эълон қилинди. Император давлат бошлиғи сифатида уруш ва тинчлик эълон қилиш, шартномалар тузиш, парламентни чиқариш ва тарқатиб юбориш, қуролли кучларга раҳбарлик қилиш, дворянлик эълон қилиш ва бошқа

ҳуқуқларга эга эди. Қонун чиқариш ҳокимияти “император ва парламент”га ишониб топширилганди (5-модда). Император қонунларни тасдиқлар ва уларни ижро этишга фармойишлар берган. Конституциянинг 8-моддасига асосан, “жамоат тартибини сақлаш жуда зарур” бўлган ҳолда, парламент ишида танаффус бўлган вақтда чиқарилган император фармонлари қонун кчига эга эди. Бундай фармонлар одатда парламент таътиллари вақтида пайдо бўларди. Парламент таътиллари эса 1 йилда 9 ойга чўзиларди. Император шунингдек, мамлакатда қамал ҳолати жорий қилиш ҳуқуқига ҳам эга эди.

Министрлар, барча мансабдор шахслар сингари, император томонидан тайинланарди, ҳамда унинг олдида жавобгар эди. Уларнинг фаолиятига хизмат қилиш сифатида қараларди. Императорнинг ўзи эса фақат Худо олдида масъул бўлган. Бу бир қарашда Конституциянинг IV бобига, яъни уларнинг ўз ҳокимиятларини “Конституция асосида” амалга оширишлари лозимлиги ҳақидаги талабга зид бўлиб кўринарди.

## II Боб XIX асрнинг иккинчи ярмида Японияда ижтимоий-сиёсий ислохотлар

### 2.1 XIX асрнинг 70-80 йилларидаги буржуа ислохотлари

Японияда капиталистик ислохот амалга ишириш учун аграр масалани аваламбор хал этиш кераклигини бужазия яхши тушунган. Ерга бўлган муносабатларни тубдан ўзгартиришга тўғри келди. Мэйдзи инқилоби раҳбарлари “бадавлат мамлакат ва кучли армия барпо қилиш” шиори билан чиққан эдилар. Ўзлари асли самурайлар қатлаמידан бўлсаларда, буржуа тартибга асосланган армия тарафдорлари эканлигини кўрсатди. Шу сабабли янги ҳукумат олдида зудлик билан мамлакат иқтисодий ва ҳарбий мавқеини мустаҳкамлаш вазифаси турарди. Бу сиёсатни амалга ошириш йўлидаги муҳим қадам 1872-1873 йилларидаги аграр ислохот бўлди. Ислохот муҳим ижтимоий оқибатлар келтириб чиқарди. Ислохот ўша вақтда вужудга келган янгича ер муносабатларини тартибга солди, ерга нисбатан феодал ҳуқуқларни тугатди. Ер бегоналаштириладиган капиталистик мулкка айланди. Ундан фойдаланганлик учун давлат хазинасига ягона ер солиғи олинадиган бўлди<sup>26</sup>. Самурай даймёлар ерлари давлат хисобига ўтиши керак эди.

Агар ерларни меросий тартибда ушлаб турувчи деҳқонлар уларни мулк сифатида олган бўлсалар, аммо ижарачи деҳқонлар ерга нисбатан ҳеч қандай мулк ҳуқуқини олмадилар. Камбағаллашган самурайлар ҳам қийин аҳволда қолишди. Гаровга қўйилган ерга нисбатан мулк ҳуқуқи ер кимга гаровга берилган бўлса, ўшанга ўтди. Деҳқонлардан жамоа ерлари – яйловлар, ўтлоқлар, ўрмонлар, бўш ётган ерлар ҳам олиб

---

<sup>26</sup> Гришелева Л. Д. Формирование японской национальной культуры, конец XVI - начало XX в. М.: Наука, 1986. С.125

қўйилди. Ислоҳот, шу тариқа, ер ижарасининг тутқинлик шартларини сақланиб қолишига, деҳқонларни янада ерсизланишига, “янги помещчик” ер эгаликларининг кенгайишига кўмаклашди. “Янги помещчиклар” ислоҳот бўйича давлат, император мулки деб эълон қилинган жамоа ерларининг катта қисмини сотиб олган янги ер эгалари эдилар.

Бу ислоҳотнинг асосий мақсадларидан бири Японияни “замонавий” давлатга айлантириш учун, саноатни модернизация қилиш ва армияни мустаҳкамлаш учун давлат хазинасига зарур бўлган маблағларни олиш эди. Самурай Князларга дастлаб ердан олинадиган йиллик ялпи даромаднинг 10 фоизига тенг юқори нафақа ўрнатилди. Сўнгра бу нафақа капиталга айлантирилди ва князлар ер учун пул компенсациясини (бадал) олдилар. Бу компенсация тўловлари ҳукуматнинг фоизли облигациялари шаклида берилди. Натижада япон аслзодалари XIX асрнинг 80-йилларида бундай облигациялар ёрдами билан банк капиталининг катта улуши эгалари бўлиб олдилар. Бу оқибатда уларнинг савдо-молия ва саноат буржуазиясининг юқори даражасига ўсиб ўтишига кўмаклашди.

Илгариги уезд князликлари бевосита марказий ҳокимиятга бўйсунадиган префектуралар қилиб қайта ташкил этилди. Князлар маҳаллий жойларда ерга нисбатан феодал ҳуқуқлари билан бирга сиёсий ҳокимиятдан ҳам маҳрум этилди. Бунга 1871 йилги маъмурий ислоҳот ҳам кўмаклашди. Ушбу ислоҳотга биноан Японияда 50 та йирик префектуралар ташкил қилинди. Префектуралар тепасида марказдан тайинланадиган ва ўз фаолиятлари бўйича ҳукумат олдида қатъий жавоб берадиган префектлар турарди. Шундай қилиб, феодаллар сепаратизми<sup>27</sup> тугатилди, мамлакатнинг бирлаштирилиши ниҳоясига етди. Бу эса ички

---

<sup>27</sup> Сепаратизм – ажралиб чиқишга интилиш.

капиталистик бозорнинг ривожланишидаги асосий шартлардан бири эди<sup>28</sup>.

Аграр ислохот “янги помещчиклар”нинг, янги пулдор аслзодаларнинг, яъни судхўрлар, гуруч олиб-сотарлар, қишлоқ тадбиркорлари, ерларни амалда ўз қўлларида тўплаб олган қишлоқнинг бойиган юқори қисми – гаси ва бошқа шу кабиларнинг мавқеини мустаҳкамланишига олиб келди. Айнаи вақтда ислохот майда ер эгалари – деҳқонларнинг манфаатларига жиддий зарба берди. Юқори ер солиғи (эндиликда давлатнинг барча даромадларининг 80 фоизи кўпинча қиймати ҳосилнинг ярмигача етадиган ер солиғидан тушарди) деҳқонларнинг оммавий хонавайрон бўлишига, иқтисодий мажбурлов воситалари ёрдами билан эксплуатация қилинадиган ижарачи деҳқонлар сонининг бирданига ўсиб кетишига олиб келди<sup>29</sup>.

Ислохот муҳим сиёсий оқибатларни ҳам келтириб чиқарди. Бу вақтда ҳали сақланиб қолган помещчик ер эгаллиги ва япон мутлақ яккаҳоқимиятчилиги ўзаро бир-бири билан боғлиқ эди. Помешчик ер эгаллиги фақат мутлақ яккаҳоқимиятчилик давлатининг тўғридан-тўғри қўллаб қувватлаши ҳисобига, хатто қишлоқ хўжалигининг сурункали инқирозлари шароитларида ҳам, деярли XX асрнинг ўрталарига қадар дахлсиз қолиши мумкин эди. Айнаи вақтда “янги помещчиклар” мутлақ яккаҳоқимлик ҳукуматининг ўзгармас таянчи бўлиб қолдилар. Самурайлар зобитлик ҳуқуқини аста секин йўқота борди.

Японияни ғарб мамлакатлари томонидан экспансия қилиш хавфи бу ерда “бой мамлакат, кучли армия” шиори остидаги бошқа ислохотларнинг, жумладан, ҳарбий ислохотларнинг ўтказилишини ҳам

---

<sup>28</sup> Саблина Э. Сёгуну и микадо (исторический очерк по японским источникам). М., «Дмитрий Буланин» 2006. С. 134.

<sup>29</sup> Бир неча ўн йиллардан кейин Японияда ижарачи деҳқонлар мамлакатдаги бутун қишлоқ аҳолисининг 70 фоизига етган эди.

тақозо қиларди. Бунда аввало аҳолининг қуйи табақаларини ҳарбий хизматдан четлаштиришга қаратилган эски принципларни тугатиш лозим эди.

1878 йилда **умумий ҳарбий мажбурият ҳақидаги қонун** қабул қилиниб, амалга киритилди. Бу қонуннинг қабул қилинишига, биринчидан, самурай қўшинларининг тарқатиб юборилганлиги, иккинчидан, 1871 йилда “ҳамма табақалар тенглиги”нинг эълон қилинганлиги сабаб бўлди. Японияда армия гарчанд Европадаги армиялар намунасида ташкил қилинган бўлса ҳам, бироқ унинг мафкуравий асосини император – “тирик худо”га сиғиниш, “офицер – аскар отаси” деб қараш ва ҳоказолардан иборат ўрта асрларга хос самурайларнинг ахлоқий қоидалари ташкил қилган<sup>30</sup>.

1872 йилда шунингдек **эски унвонларининг тугатилганлиги ҳақида қонун** қабул қилинди. Унда мамлакатнинг табақавий бўлиниши соддалаштирилиб, аҳоли **олий аслзодалар (кидзоку)** ва **қўйи дворянлар (сидзоку)**га бўлинди; аҳолининг бошқа ҳаммаси “**оддий халқ**” таркибига киритилди. “Табақаларнинг тенглиги” ҳарбий мақсадлардан, аралаш никоҳларга рухсат беришдан, шунингдек аҳолининг қолган таҳқирланган касталари (“эта”) ҳуқуқларининг расман тенглаштирилишидан нарига ўтмади. Натижада ўртаҳол ва камбағал самурайлар деҳқонларга тенглаштириб қўйилган эди. Янги армияда ҳам офицерлик лавозимларини самурайлар эгаллаб олганди. Ҳарбий мажбурият умумий бўлиб қолмади, ундан пул тўлаб қутилиш мумкин эди. Шунингдек амалдорлар, талабалар (асосан бадавлат оилаларнинг болалари), йирик солиқ тўловчилар ҳам ҳарбий мажбуриятдан озод қилинганди.

---

<sup>30</sup> Спееваковский А. Б. Самурай - военное сословие Японии. Наука, Главная редакция восточной литературы, М.,1981.С.131.

Мамлакатнинг капиталистик ривожланиши савдонинг ривожланиши йўлидаги барча чекловларнинг, феодал цехлар ва гилдияларнинг ва провинциялар ўртасидаги тариф тўсиқларининг тугатилишига, пул тизимининг тартибга келтирилишига кўмаклашди. 1871 йилда мамлакат бўйлаб эркин кўчиб юриш, шунингдек касб фаолиятини эркин танлаш жорий қилинди. Жумладан, самурайларга савдо ва ҳунармандчилик билан шуғулланишга рухсат этилди. Бундан ташқари, давлат тадбиркорларга қарзлар, субсидиялар, солиқ соҳасида имтиёзлар бериб, темир йўллар, телеграф линиялари, ҳарбий саноат корхоналари ва бошқа қурилишлар учун хазинадан маблағлар ажратиб, капиталистик саноатнинг ривожланишини рағбатлантирди.

Инқилобий қайта қуришлар давомида анъанавий таълим тизимига асосланган япон мактаби ҳам ислоҳ қилинди. Натижада япон мактабида ғарб фани ютуқларидан сабоқлар берилга бошланди. Мэйдзи ҳукумати бу соҳада мураккаб вазифани ҳал қилишига тўғри келди. Унинг учун шу нарса маълум эдики, бир томондан япон мактабини модернизация қилмасдан, таълимни ғарб намунасида ташкил этмасдан туриб бой, кучли давлат ташкил қилиш мумкин эмас эди, бошқа томондан эса, ғарб фанлари ва ғояларини ҳаддан зиёд кўпайтириш мустақил маданиятнинг йўқотилишига, япон миллатининг тенноистик мафкурага асосланган бир бутунлигининг барбод бўлишига олиб келиши мумкин эди<sup>31</sup>.

Шу муносабат билан бегона маданият ютуқларини ўзлаштириш катъий манфаатпарастлик – амалий характерга эга бўлди ва япон жамиятининг диний асосларига дахл қилмади. Ўша вақтларда Японияда айтганларидек, мамлакатнинг ривожланиши учун “япон тафаккури ва Европа билимлари” бирга кўшиб олиб борилиши лозим эди. Япон тафаккури аввало синтоизм руҳида тарбиялашни, “тирик худо” –

---

<sup>31</sup> Жуков Е.М. К вопросу об оценке «революции Мэйдзи» - Вопросы истории., М., 1968. С.37.

императорни хурмат қилишни талаб қилган. Синтоизмнинг ҳукмронлик мавқеини таъминлаш учун 1873 йилда христианлик тақиқланган, буддизм эса тўғридан-тўғри давлатнинг диний мафкураси назорати остига қўйилган. 1868 йилда “диний маросимларнинг бирлиги ва давлат томонидан бошқарилиши” ҳақида фармон қабул қилиниб, эскича намунада **“Ердаги ва осмондаги худоликлар ишлари бўйича бошқарма”** (Дзингикан) ташкил этилди. Шу тариқа Японияда шундай ўзига хос япон тартибига асос солинган эдики, бунга биноан давлатнинг жуда катта сиёсий муаммолари диний урф-одатлар, маросимлар мазмуни бўлиб қолди.

Бунга императорнинг 1868 йилдаги муҳим аҳамиятга эга бўлган ибодат қилиши мисол бўлиши мумкин. Император ушбу ибодати давомида синтоизм худолари “Осмон ва Ер” олдида келажакда “кенг мажлис” ташкил қилишга ва ҳамма ишларни “жамоатчилик фикри асосида” ҳал қилишга, “ўтмишнинг ёмон урф-одатлари”ни таг-томири билан йўқ қилишга, “бутун дунёдаги” билимларни ўзлаштиришга ва бошқаларга қасамёд қилган эди.

1869 йилда Дзингикан дин тарғиботчилари институтини таъсис қилади. Дин тарғиботчилари халқ орасида “диний маросимларнинг бирлиги ва давлат томонидан бошқарилиши” ҳақидаги сулолалар диний ибодати асосига қўйилган тэнноистик принципларни тарқатишлари лозим эди. 1870 йилда “умуммиллий ибодатлар жорий қилиш ҳақида” ва “тайкё”<sup>32</sup> нинг буюк таълимотини тарғиб қилиш ҳақида императорнинг иккита янги фармонлари қабул қилинди.

Японларни диний тарбиялаш ва “бутун дунё билимларини ўзлаштириш” сиёсатидаги очикдан-очик карама-қаршилик, шунингдек

---

<sup>32</sup> Тайке таълимоти – япон давлатининг илоҳий келиб чиққанлиги ҳақидаги таълимот; япон жанговар миллатчилигининг мафкуравий курали бўлиб қолган.

“маданият ва халқ маорифи” шиори остидаги ҳаракатнинг бошланиб кетиши ҳукуматни 1872 йилда “**Умумий таълим ҳақидаги қонун**”ни қабул қилишга, буддизмга нисбатан тазйиқни сусайтиришга, “Осмон ва ердаги худолар ишлари бўйича бошқарма”ни “Диний таълим министрлиги” қилиб қайтадан ташкил қилишга мажбур этди. Ушбу министрлик амалдорлари тарғиботчилар деб эмас, ҳам диний, ҳам дунёвий билимларни тарқатишга чақирилган “ахлоқ инструкторлари” деб атала бошланди<sup>33</sup>.

1872 йилги “Умумий таълим ҳақида”ги қонун “бирорта ҳам саводсиз бўлмайди” деб эълон қилинган демогогик шиорни амалга ошишига олиб келмади, чунки таълим пуллик ва илгаригидек жуда қиммат бўлиб қолаверди. Бироқ бу қонун ривожланаётган капиталистик саноатни ва янги маъмурий аппаратни ўқимишли кишилар билан таъминлаш мақсадларига хизмат қилди.

Самурайлар оилалари секин аста оддий фуқаролик даражасига тушурилиб, тенглаштирилди. Бу эса ўз новбатида уларни ахоли орасида ассимиляциясини кучайишига олиб келган эди. Аммо XIX аср охирига бориб иқтисодий вазият, фақатгина йирик самурайлар қавмлари орасида этник маданиятни сақланиб қолди холос. Айнан ўшалар Япониянинг этник санъатини ҳам кўпроқ келажак авлод учун еткиза олдилар.

Ассимиляция тезлиги иқтисодий жараёнларга боғлиқ эди. Яни барча фуқаролар бозор иқтисоди жараёнларига тортилган эдилар. Саноат ривожини самурайларни жамият учун аҳамиятини янада сусайишига олиб келди. Мейдзи даврининг ўзидаёқ самурайликга тезлик билан нуқта қўйишга уриниб кўрилди. Фақат бунга бирнеча йиллар кетди.

---

<sup>33</sup> Топеха П.П. К вопросу о характере «Мэйдзи исин». Наука. М., 1967. С.132.

## 2.2 Япониянинг 1889 йилги Конституцияси ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ривожланиши

Парламенга эҳтиёж 1881-1882 йиллардаёқ сезилган эди. Риккэндзиюто партияси раҳбари Итагаки Тайсукэ ва 1882йил тузилган Кайсинто фирқаси лидери Фукидзава Юкитилар парламент қонунчилик органини тузиш учун кураш олиб бордилар. Император берган ваъдасини бажариб, 1889 йилда ўз фуқароларига Конституция инъом қилди. Бу Конституцияни фақат императорнинг ўзи бекор қилиши ёки ўзгартириши мумкин эди. “Буюк Япония империяси Конституцияси”ни тайёрлашда Конституциявий комитет бошлиғи, Япониянинг бўлғуси премьер-министри Хиробуми Ито ҳал қилувчи роль ўйнади. У Конституцияни тайёрлашда шундан келиб чиқдики, Японияда ғарбдаги христианликка ўхшаб “бирлаштирувчи” дин бўлмаганлиги сабабли конституциявий бошқарув марказида давлат ва миллатнинг тимсоли бўлган император сулоласи туриши лозим эди.

Янги Конституция ғарб конституцияларидан (ҳаммадан аввал Пруссиянинг 1870 йили Конституциясидан) ўзлаштириб олинган принципларни, тенноистик мафқуранинг энг муҳим принципларини оқилона қайта ишлаш асосида яратилди. Ушбу Конституция синтоистик традиционалистлар назариялари ва ғарб конституцияшунослари тарафдорлари ўртасидаги ўзига хос сиёсий муросанинг натижаси эди<sup>34</sup>.

Конституциянинг 1-моддасида Япония империясида “асрлар давомида ягона ва узлуксиз” сулолага тегишли император подшолик қилади ва давлатни бошқаради, деб кўрсатилди. Император шахси “илоҳий” қонунга биноан “муқаддас ва дахлсиз” деб эълон қилинди. Император давлат бошлиғи сифатида уруш ва тинчлик эълон қилиш,

<sup>34</sup> Топеха П.П. К вопросу о характере «Мэйдзи исин». Наука, М., 1967.С.212.

шартномалар тузиш, парламентни чиқариш ва тарқатиб юбориш, курулли кучларга раҳбарлик қилиш, дворянлик инъом қилиш ва бошқа ҳуқуқларга эга эди. Қонун чиқариш ҳокимияти “император ва парламентга” ишониб топширилганди (5-модда). Император қонунларни тасдиқлаган ва уларни ижро этишга фармойишлар берган. Конституциянинг 8-моддасига асосан, “жамоат тартибини сақлаш жуда зарур” бўлган ҳолда, парламент ишида танаффус бўлган вақтда чиқарилган император фармонлари қонун кучига эга эди. Бундай фармонлар одатда парламент таътиллари вақтида пайдо бўларди. Парламент таътиллари эса бир йилда 9 ойга чўзиларди. Император шунингдек мамлакатда қамал ҳолати жорий қилиш ҳуқуқига ҳам эга эди.

Министрлар, барча мансабдор шахслар сингари, император томонидан тайинланарди ҳамда унинг олдида жавобгар эди. Уларнинг фаолиятига императорга хизмат қилиш сифатида қараларди. Императорнинг ўзи эса фақат Худо олдида масъул бўлган. Бу бир карашда Конституциянинг тўртинчи бобига, яъни уларнинг ўз ҳокимиятларини “Конституция асосида” амалга оширишлари лозимлиги ҳақидаги талабга зид бўлиб кўринарди.

Қарама-қаршиликнинг бундай кўринишини куйидаги асосий конституциявий қоида бартараф этарди. Бу қоида шундан иборат эдики, конституциянинг ўзи императорнинг ўзини ўзи чекловчи, императорга парламентнинг, ҳукуматнинг, фуқароларнинг ҳуқуқларини тақдим қилувчи “илоҳий тухфа” ҳисобланарди. Конституция парламент, ҳукумат ҳуқуқлари, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари рўйхатини бериш билан ўзини ўзи чеклашнинг ана шундай концептуал схемаси асосида тузилган эди.

Ито Хиробуми конституцияга берган шарҳларида императорни янги конституциявий тартиботнинг муқаддас маркази, деб эълон қилиб,

конституцияни императорнинг “меҳрибонлик ва раҳмдиллик тухфаси” деб таъкидлади. У министрларни парламент олдида эмас, император олдида жавобгарлиги масаласи ҳақида гапириб, парламент фаолиятининг ўзини императорга хизмат қилиш деб изоҳлаган<sup>35</sup>.

Парламент конституция бўйича қонун чиқариш ҳуқуқига эга бўлиб, икки палата: **пэрлар палатаси** ва **вакиллар палатасидан** иборат эди. Ҳар бир палата ҳукуматга “қонунлар ва бошқа турдаги нарсаларга” тааллуқли тақдимномалар билан чиқиш ҳуқуқига эга эди. Бироқ конституциянинг 71-моддаси парламентнинг император хонадони статусини ўзгартиришга қаратилган ҳар қандай муҳокамасини тақиқлаган. Палаталарда масалаларни ҳал қилиш учун мутлақ кўпчилик овоз талаб қилинган.

1890 йилги сайлов қонуни бўйича, қуйи палата юқори ёш цензи (25 ёш), шунингдек мулк цензи, ўтrockлик цензи (1,5 йил) асосида сайланарди. Аёллар ва ҳарбий хизматчилар сайлов ҳуқуқига эга эмас эдилар. Шу тариқа, сайлов ҳуқуқидан Япония аҳолисининг фақат жуда оз қисми, бор-йўғи бир фоизга яқини фойдаланган, холос. Юқори палатага қондош шахзодалар, унвонли амалдорларнинг вакиллари, йирик солиқ тўловчилар ва император олдида “алоҳида хизматлар” кўрсатган кишилар аъзо бўлган. Қуйи палатанинг ваколат муддати 4 йил, юқори палатаники 7 йил қилиб белгиланган эди. Министрлар “императорга фақат маслаҳат бериш”га ҳақли эдилар. Конституцияда “ишончсизлик вотуми” институти ҳақида ҳеч нарса дейилмади.

Парламент назорати фақат 30 тадан кам бўлмаган депутатлар томонидан министрларга расмий сўров бериш ҳуқуқида намоён бўлган. Бунда министрлар “махфий” ҳисобланган масалалар юзасидан сўралган

---

<sup>35</sup>Лещенко Н.Ф. Прогрессивные японские историки о характере Мэйдзи исин. : Наука. М., 1975.С.31.

талабномага жавоб беришдан бош тортиши мумкин эди. Япон парламенти ҳақиқатда ҳукуматга кучли таъсир ўтказа олмаган, молия устидан назорат ўрнатолмаган, чунки конституция бюджетни ҳар йили парламентда овозга қўйиб тасдиқлаш тартибини назарда тутмади. Бюджетни кўриб чиқиш парламент томонидан четга суриб қўйилган ҳолларда ҳукумат ўтган йилги бюджетни қўллаши мумкин эди. Бундан ташқари, Конституциянинг 68-моддаси бир неча йилга тасдиқланган доимий харажат фондини, шунингдек “императорнинг ваколатларини амалга ошириши учун” ва “ҳукумат мажбуриятлари билан боғлиқ” харажатлар учун ажратиладиган пул суммаларини назарда тутган эди. Ҳукуматнинг парламент розилигисиз қиладиган харажатлари императорнинг ўзи томонидан ҳам қонунлаштирилиши мумкин эди.

Конституцияда монархик бюрократияни бошқарувчи тажовузкор **ҳарбийларнинг** нисбатан мустақиллик роли ўз аксини топди. Маълумки, ҳарбийлар буржуа ислоҳотлари даврида ҳукмрон синфлар: ярим феодал помещиклар ва мустаҳкамланган монополистик буржуазиянинг манфаатларини фаол ҳимоя қилувчилар бўлиб қолган эдилар<sup>36</sup>. Бу, жумладан, давлат аппаратининг **Яширин кенгаш, Генро (зодогон оқсоқоллар кенгаши), Сарой министрлиги** сингари звеноларининг имтиёзли мавқеида ўз ифодасини топди. Императорнинг жуда катта ер эгаликлари, шунингдек армиянинг олий раҳбарлари айнан Сарой министрлиги қарамоғида эди. Яширин кенгаш президент, вице-президент ва 25 та маслаҳатчилардан иборат бўлиб, унинг аъзолари император томонидан олий ҳарбий-бюрократик доиралар орасидан тайинланарди. Яширин кенгаш парламентдан ҳам, Министрлар Кабинетидан ҳам мустақил эди. Унга, конституциянинг 56-моддасига биноан, император сўрови бўйича давлат ишларини муҳокама қилиш

---

<sup>36</sup> Акияма Кэнзоо. *История Ниппон*. Наука. М., С. 381

топширилганди. Амалда давлатдаги ҳар бир муҳим қарор, у қандай аҳамиятга эга бўлишидан қатъи назар, Яширин кенгаш аъзолари билан келишилган ҳолда чиқариларди. Император фармонлари ва фармойишлари ҳам Яширин кенгаш томонидан маъқулланарди. Генро (оқсоқоллар кенгаши) конституциявий орган бўлмаса ҳам, ярим аср давомида мамлакат сиёсатига ҳал қилувчи таъсир ўтказиб келди. У асосан Жанубий-Ғарбий князликларнинг аслзодалари вакиллари билан иборат таркибда эди. Унинг аъзолари ўз ўринларини умрбод муддатга эгаллагандилар.

1889 йилда император махсус буйруқ чиқариб, армия ва флотдаги штаб бошлиқларининг армия ва флотга тааллуқли барча муҳим масалалар юзасидан ҳукуматни, ҳатто ҳарбий ва денгиз министрларини четлаб ўтиб, тўғридан-тўғри императорга доклад қилишлари лозимлиги тартибини ўрнатди. Бу билан ҳарбийлар императорнинг ҳукуматдаги иккита муҳим лавозимларни – ҳарбий ва денгиз министрларини тайинлашдаги қарорига таъсир ўткази оладиган бўлдилар.

Шу тариқа, ҳарбийлар нафақат ҳукумат таркибини белгилашда, балки унинг сиёсатини белгилашда ҳам ҳал қилувчи роль ўйнай бошладилар. Юқоридаги қоида 1895 йилги қонун билан мустаҳкамланди. Бунга биноан, ҳарбий ва денгиз министрлари лавозимини фақат ҳақиқий ҳарбий хизматда турган ҳарбийларгина эгаллаши мумкин эди.

Конституциянинг III боби махсус тарзда япон фуқароларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларига бағишланди. Конституциянинг 19-моддасида ҳар бир япон фуқаросининг фуқаролик ва ҳарбий мансабларни эгаллашда тенг ҳуқуқли эканлиги назарда тутилган бўлса, 20-моддасида барча япон фуқароларининг армия ва флотда хизмат қилиш мажбуриятлари белгиланди. Конституция фуқароларнинг

конунда ўрнатилган тартибларида турар-жой танлаш ва алмаштириш эркинлигини (22-модда), турар-жой дахлсизлигини (25-модда) мустаҳкамлади. Конституциянинг 27-моддасида “Ҳар бир япон фукаросининг мулки дахлсиз”, деб эълон қилинди. Бунда жамоат хизмати манфаатлари учун зарур бўлганда мулкни олишга рухсат этилганди. Конституцияда шунингдек япон фукароларига диний эътиқод (28-модда), сўз, матбуот, йиғилишлар ўтказиш ва иттифоқларга бирлашиш (29-модда), петициялар бериш (30-модда) эркинликлари ҳам назарда тутилганди.

Япон фукароларининг юқоридаги ҳуқуқ ва эркинликлари уларнинг “илоҳий” император олдидаги бурчи билан тенглаштирилган эди. Бундан ташқари барча эркинликларга “қонун билан ўрнатилган доираларда” йўл қўйиларди<sup>37</sup>.

Бу ҳуқуқ ва эркинликларнинг ўта расмий характери айниқса япон дунёқарашининг энг нозик томонига тегишли бўлган диний эътиқод эркинлиги соҳасида ёрқин намоён бўлди. Динни давлатдан ажратиш, диний эътиқод эркинлигини тан олиш талаблари эркинлик ва тенглик ғоялари сингари конституция қабул қилинишидан олдинги даврда ҳам жамиятнинг анча онгли қатламлари томонидан илгари сурилган эди. Бу талаблар таъсирида 1877 йилда Диний таълимот министрлиги тугатилганди.

Ҳукумат ўзининг диний сиёсатини яна бир марта қайта кўриб чиқиб, 1882 йилда айёрлик йўлини тутди. Расман “дин эркинлиги”ни эълон қилиб, у синтоизмни дин деб эмас, давлат маросими деб белгилади. Шу муносабат билан императорлик ва давлат ибодатхоналаридаги барча синтоизм руҳонийларига диний урф-одатлар

---

<sup>37</sup> Норман Г. Становление капиталистической Японии : экономические и политические проблемы периода Мэйдзи. М., 1955. С.143.

ва тарғиботлар қилиш тақиқланди. Улар фақат давлат маросимларини бажариши лозим эди. Бундай давлат маросимларининг тепасида асосий руҳоний сифатида императорнинг шахсан ўзи турарди. Бу эса унинг диний нуфузини оширарди. Синтоизм, шу тариқа, бевосита давлат тизимига киритилган “ўта қудратли дин”га айланди.

Шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг онгли равишда ўзлаштириб олиниши ҳокимият томонидан ижтимоий онгга “муқаддас япон миллий бирлиги” принципи ғояларини мақсадга йўналтирилган тарзда тадбиқ этилишига тўсқинлик қилди. Ито томонидан аниқ ифода этилган ушбу ғояларга биноан “ҳокимиятлар ва фуқаролар ўртасидаги муносабатлар азалдан япон давлатига асос солинаётганда белгилаб қўйилган” деб ҳисобланар эди.

1889 йилги Конституцияда буржуа-демократик ҳуқуқ ва эркинликларнинг расман мустаҳкамланиши ушбу конституциянинг ўта консерватив характерини ўзгартира олмади. Бироқ бу Конституция жуда чекланган даражада бўлса ҳам, япон жамиятини демократлаштириш йўлида муҳим олға ташланган қадам бўлди<sup>38</sup>. У вакиллик органи ўрнатиш, буржуа-демократик ҳуқуқ ва эркинликлар эълон қилиш билан бирга япон давлатининг мутлақ монархиядан дуалистик монархияга амалда янгича ўтиш шаклининг қарор топишига кўмаклашди. Бу давлат доирасида кейинги ўн йилликлар давомида нафақат феодал қолдиқлар тугатилди, балки япон капитализмининг жуда тез ривожланиши содир бўлди.

1889 йилги Конституция расман судьяларнинг алмаштирилмаслиги ва мустақиллигини ўрнатиб, келажакда Японияда судларнинг қайта тузилиши умумий принципларини белгилаб берди. Судьялар ўз фаолиятини “император номидан ва қонун асосида” (57-

---

<sup>38</sup> Теймс Р. Япония : история страны . М. 2009. С . 232.

модда) амалга ошираддилар. Умумий судларнинг ваколатлари чекланган эди, улар маъмурият ҳагги-ҳаракатлари устидан тушган шикоятларни кўриб чиқа олмасдилар. Конституциянинг 60-моддаси махсус, маъмурий судлар ташкил этишни назарда тутди. Амалдорлар фаолияти суд назорати остидан чиқарилди. Амнистия ҳуқуқи, Конституциянинг 16-моддасига мувофиқ, императорга тегишли эди. Суд томонидан бериладиган жазони ҳам фақат император ўзгартира оларди.

Япониянинг эски суд тизими ва суд ишларини юритиш тартиби жуда секинлик билан қайта тузилди. Конституция қабул қилинишидан аввалоқ япон сиёсий арбоблари, юристлар томонидан ғарб мамлакатларининг суд ва ҳуқуқий тизимларини кенг ўрганиш ишлари ўтказилган эди. Бунда қайтадан ташкил этилган Француз ҳуқуқий мактаби (1879 йил ташкил этилган), Мэйдзи профессионал ҳуқуқий мактаби (1881 йил ташкил этилган), Англия ҳуқуқ мактаби (1885 йил ташкил этилган) ва бошқа ҳуқуқий мактаблар муҳим аҳамиятга эга бўлди.

1872 йилдан бошлаб судларда матбуот вакилларининг иштирок этишига рухсат этилди, фуқаролик ишларини ҳал қилишда қийноқлар қўллаш тақиқланди, расман табақавий фарқлар йўқ қилинди, қонли қасос уч олиш ман этилди. 1874 йилда жинойт суд ишларини юритишда қийноқлар қўллаш дастлаб чекланди, сўнгра эса батомом тақиқланди<sup>39</sup>.

1890 йил **“Судлар ташкил қилиш ҳақида”**ги қонун асосида Япониянинг суд тизими тартибга келтирилди, маҳаллий округ, апелляцияон суд инстанциялари ташкил қилинди, апелляцияон судлар ва катта суд судьяларидан маъмурий судлар ҳайъатлари тузилди.

Қонун конституцияга мувофиқ тарзда расман судьяларнинг

---

<sup>39</sup> Эйдус Х. Т. Очерки новой и новейшей истории Японии. Государственное издательство политической литературы. М., 1955.С.231.

алмаштирилмаслиги ва мустақиллиги принципини мустаҳкамлади. Судьялар фақат жиноий жавобгарликка ёки интизомий тартибда жазога тортиладиган бўлсалар, алмаштирилиши, мансабидан пасайтирилиши мумкин эди. Шу мақсадда шу йилнинг ўзидаёқ судьяларни ижтимоий жавобгарлиги ҳақидаги қонун қабул қилинди. Судьяларга тазиқ ўтказишни бевосита дастаклари Адлия министрининг қўлида қолди. Адлия министри япон одил судлови устидан умумий маъмурий назоратни амалга оширарди, судьяларни олий суд ва маъмурий лавозимларга илгари суриш ҳуқуқига эга эди.

Судья лавозимини эгаллаш учун 1890 йилги қонунга асосан юридик маълумот ва профессионал тажриба талаб қилинарди. Тегишли имтиҳонларни топширган ҳамда суд органларида ва прокуратурада уч йил хизмат синови муддатдан муваффақиятли ўтган шахслар судья бўлиши мумкин эди.

1890 йилги қонунда шунингдек қатъий субординацияга<sup>40</sup> асосланган маҳаллий прокурорлардан иборат “прокуратуранинг олий умумий департаменти”ни ташкил қилиш ҳам назарда тутилган эди. Судьяларга қандай малакавий талаблар қўйилган бўлса, прокурорларга ҳам шундай талаблар қўйилган. Прокурорларни Адлия министри назорат қилиб турган. Адлия министри прокурорларга у ёки бошқа суд ишлари бўйича кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга эди.

1893 йилда **“Адвокатура ҳақида”ги қонун** қабул қилинди. Адвокатлар суд ишларида иштирок эта бошладилар. Адвокатлар корпуси ҳам Адлия вазирининг, ҳам прокуратуранинг қаттиқ назорати остида бўлган<sup>41</sup>. Адвокатлар шунингдек интизомий судларнинг юрисдикцияси остида эдилар. Уларни интизомий жавобгарликка тортиш

---

<sup>40</sup> Субординация-хизматда: кичикларни даражама-даража катталарга бўйсунуши; ўздан каттага бўйсунуш.

<sup>41</sup> Дейноров Э. История Японии. АСТ., М., 2008. С.211.

хукуки прокурорларга тегишли бўлган. Ушбу барча янги киритилган тартиб-қоидаларга қарамай, Япониянинг “хукуқни муҳофаза қилиш” тизими ҳали узок вақтгача империя ҳокимиятининг жазо берувчи қисми бўлиб қолди.

### **2.3. XIX аср охирида Японияда сиёсий тузумни демократлаштириш учун кураш ва сиёсий партияларнинг шаклланиши**

Император 1868 йилда эълон қилган “қасамёди”да “маслаҳатчи мажлис ташкил этишга”, шунингдек барча бошқарув ишларини “жамоатчилик фикрига асосланиб” ҳал қилишга ваъда берганди. Бироқ бу ваъдаларнинг қачонгача амалга оширилиши ҳақида ҳеч нарса дейилмади<sup>42</sup>.

XIX асрнинг 70–80 йиллари турли ижтимоий катламлар сиёсий фаоллигининг янада ўсиши даври бўлди. Кенг халқ ҳаракати давомида савдо-саноат буржуазияси, самурайлар доираси орасида давлат аппаратидаги императорга яқин турган аслзодаларнинг зўравонликларига қарши чиқувчи муҳолифийатчилик қайфиятлари кучайиб борди. Помешчиклар ва қишлоқнинг бой юқори табақаларининг муайян доиралари ҳам солиқларнинг пасайтирилиши, тадбиркорлик фаолиятининг кафолатланиши, маҳаллий бошқарувда иштирок этиш каби талаблар билан чиқиб, сиёсий жиҳатдан фаоллашиб борди.

Давлат бошқарувини ўзгартириш ва конституция қабул қилиш талабларида намоён бўлган норозилик қайфиятлари муҳолифийатчи демократик оқимларни **“Эркинлик ва халқ ҳуқуқлари учун ҳаракат”**га бирлашишига олиб келди. Либерал муҳолифатчилар

---

<sup>42</sup> Дейноров Э. История Японии. АСТ.. М., 2008. С. 214.

томонидан халқ орасида илдиз отган ва содда, тушунарли бўлган диний ақидалардан усталик билан фойдаланилиши бу ҳаракатни чинакамига оммавийлашувига олиб келди. Ҳаракат шиорлари япон диний мафкурасида марказий ҳисобланган “Осмон” тушунчасига асосланди. Бунга кўра, “Осмон” инсонга ниманидир инъом қилишга ёки уни ҳалок қилишга қодир бўлган олий, бошланғич асос ҳисобланарди. “Эркинлик ва халқ ҳуқуқлари учун ҳаракат” лидерлари француз маърифатпарварларининг инсоннинг табиий ҳуқуқлари ҳақидаги мафкурасини қабул қилиб, унинг моҳиятини анъанавий тушунчалар орқали тушунишга калит излаганлар. Шу тариқа, инсоннинг табиий ҳуқуқларини япон тилига таржима қилинганда “Осмон инъом қилган инсон ҳуқуқлари” деган шаклни олган, “эркинлик ва халқ ҳуқуқлари” эса конфуцийликнинг “оқиллик” (“ри”) ва “одиллик” (“га”) талабларига мос тушган<sup>43</sup>.

Ҳукумат конституциявий ислоҳотлар ўтказиш талабларига жазо чоралари, қамоқлар, прогрессив матбуотни таъқиб қилишлар ва ҳоказолар билан жавоб берган. Шулар билан бир қаторда халқ кўтарилишлари хафидан чўчиган ҳукумат либерал мухолифатчилар билан муросага келиш зарурлигини тобора кўпроқ тушуна борди. 1881 йилда император 1890 йилдан бошлаб парламент бошқаруви жорий қилиш ҳақида фармон чиқарди. Конституциявий ислоҳотлар арафасида мамлакат бутун сиёсий тизимининг муҳим қайта қурилиши содир бўлди. Буржуа либерал мухолифатчилар ташкилий жиҳатдан сиёсий партияларда расмийлашди. 1881 йилда **Либерал партия (Дзюто)** ташкил қилинди. Бу партия помещиклар, ўрта ҳол шаҳар табақалари ва кишлок буржуазияси манфаатларини ифода этди. Унга ўртамиёна кайфиятдаги деҳқонларнинг бир қисми, майда мулкдорлар ҳам

---

<sup>43</sup> Литвак Б.В. Япония. Управленческий прорыв. Экономика, М., 2009. С.124.

кўшилган. 1882 йилда **Конституциявий ислохотлар партияси (Кайсинто)** тузилиб, унга ўрта ҳол табақалар вакиллари, буржуазия, зиёлилар кирди. Бу партия ҳам Либерал партия сингари мухолифат кучларнинг мўътадил партияси бўлиб қолди.

Иккала партиянинг сиёсий дастурларидаги талаблар деярли бир хил эди. Ушбу дастурларнинг иккисида ҳам бошқарувнинг парламент шаклини, сиёсий эркинликларни, маҳаллий ўзини ўзи бошқарувни жорий қилиш, мамлакатни бошқаришда тор доирадаги бюрократлар ва самурайлар монополиясини тугатиш каби талаблар илгари сурилганди. Булар солиқларни пасайтириш, ғарб мамлакатлари билан тенгсизлик асосида тузилган шартномаларни қайта кўриб чиқиш, ташқи савдони ривожлантириш ҳисобига япон буржуазиясининг мавқеини мустаҳкамлаш, пул ислоҳоти ўтказиш ва бошқа шу каби иқтисодий талаблар билан тўлдирилган. Тез орада Либерал партия таркибида унинг чап қаноти шаклланди. У ўз олдида республика ўрнатиш вазифасини қўйган эди<sup>44</sup>. Унинг лидерлари 1883-1884 йилларда ҳукуматга қарши очикдан-очик чиқишларга бошчилик қилдилар. Парламент ўз ишларини бошлаганидан кейин 1890 йилда Дзюто ва Кайсинто партиялари мамлакат сиёсий ҳаётида тобаро пассив роль ўйнай бошладилар. 80-йилларда Япониянинг ўсиб бораётган ишчилар синфи ўзини мустақил ижтимоий ва сиёсий куч сифатида намоён қила бошлади. Дастлабки ишчи ташкилотлари ташкил қилинди, ишчилар ҳаракатига социалистик ғоялар кириб келди.

Мухолифатнинг талабларига ҳукумат ўзининг **Конституциявий-императорлик партияси (Мэйсэйто)**ни тузиш билан жавоб берди. Бу партиянинг фаолияти келажакдаги конституциявий ислохотларни ўзига

---

<sup>44</sup> Совастеев В.В. Очерки истории Японии. От Токугава Иэясу до Хасимото Рютаро : [монография]. – Владивосток: Изд-во Дальневост. ун-та, 2008. – С. 83.

мос доираларда чеклашга қаратилган эди. Бу партиянинг талаблари “жамоат тинчлиги билан бирга сўз ва матбуот эркинликларини” хоҳлашдан нарига ўтмади<sup>45</sup>. Ҳукумат партиясини ташкил қилиш билан бир қаторда, конституциядан олдинги қонунларни ҳам қўриқлаш мақсадларига хизмат қилди. Масалан, 1884 йилги қонун билан Японияда аслзодаларнинг европача тарздаги янги унвонлари: князь, маркиз, граф, виконт, барон каби унвонлар жорий қилинди ва оқибатда уларга япон парламентининг юқори палатасини ташкил қилиш ҳуқуқи берилди.

1885 йилда Европа намунасида алоҳида вазирликлар ва ўз фаолияти юзасидан император олдида жавобгар бўлган **Вазирликлар маҳкамаси** ташкил қилинди. 1886 йилда император ҳузурида маслаҳатчи орган сифатида илгари тугатилган **Махфий кенгаш** қайта тикланди. Шу йили мансабдор шахсларни тайинлашнинг имтиҳон тизими жорий қилинди. **1888 йилда янги маъмурий ислохот** ўтказилди. Ҳар бир префектурада бошқарувнинг сайлаб қўйиладиган органлари ташкил этилди. Бу органлар маслаҳатчилик функцияларига эга бўлдилар ва ўз навбатида ички ишлар вазирлигининг қаттиқ назорати остида турдилар. Бу қонунчиликнинг ўзига хос гултожи 1887 йилда қабул қилинган **“Тартибни сақлаш ҳақидаги нозирлик қонуни”** бўлиб қолди. Унга биноан, махфий жамиятлар тузиш, яширин йиғилишлар чақириш, яширин адабиётлар чиқариш таъқиқланди ва бундай хатти-ҳаракатлар учун қаттиқ жазолар ўрнатилди. “Эркинлик ва халқ ҳуқуқлари учун ҳаракат” қаттиқ жазо чоралари ёрдами билан тор-мор этилди.

Мамлакатни милитаризация қилишга, ҳарбий авантюраларга амалда парламент ҳам ёрдам берди. 1894-1895 йиллардаги япон-хитой

---

<sup>45</sup> Ўша ерда.

урушидан кейин парламентдаги ҳамма мухолифийатчи партиялар ҳукуматнинг ҳарбий сиёсатини бир овоздан қўллай бошладилар<sup>46</sup>. Парламент ҳарбий ҳаражатларни йилдан-йилга кўпайтириб борди.

Ҳукмрон блок ўзининг милитаристик-босқинчилик давлат сиёсатини япон жамиятининг фаол қисми томонидан қўллаб-қувватланиши остида 1898 йилда парламентда салоҳиятли кўпчилик ўрин олишга муваффақ бўлди. Шу йили мухолифатни ҳам ўзида бирлаштирган **“Конституцион партия”**нинг ташкил қилиниши шарофати билан Япония тарихида биринчи марта **партиявий кабинет** шаклланди. Парламент кабинетига фақат битта – ҳукумат партияси вакиллари кирган эди. Гарчанд ушбу кабинетнинг умри қисқа ва сунъий бўлишига қарамай, уни тузилишини ўзиёқ ҳарбий бюрократик доираларни сиёсий партиялар ва айниқса парламент ролига янгича карашга мажбур этувчи муҳим сиёсий воқеа бўлиб қолди<sup>47</sup>.

---

<sup>46</sup> Елисеев Д. История Японии. Между Китаем и Тихим океаном. – М.: Евразия, 2009.С.146.

<sup>47</sup> Саблина Э. Сёгуны и микадо (исторический очерк по японским источникам). М., «Дмитрий Буланин», 2006. С.223.

## ХУЛОСА

Милодий VII асрларга келиб, Япония оролларидаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг самурайлар қатламини юзага келишидаги аҳамияти ўзига ҳос. Этник жихатдан турли ҳил компонентлардан ташкил топган япон халқи (Эмиси ёки Эдзо) тракиёти борасида қатор фикрлар билдирилган. Миномото уруғининг ҳокимиятга келиши билан самурайларнинг жамиятдаги мақоми бевосита ўсди. Самурайлар(Буси) алоҳида тузилган турмуштарзи этикети “Бусидо” асосида тузилди. Натижада ҳокимят бутунлай самурай оилалари (Миномото, Нитти, Фудзивара, Такэда ва бошқа) кўлига ўта бошлади. Император оиласи эса номигагина давлат бошлиғи бўлиб қолди. Айнлар (маҳаллий этнос) билан кураш доимий бўлганлиги учун самурайларга дастлаб эҳтиёж юқори эди. XI асрда эмисилар билан кураш самурайлар фойдасига хал этилган бўлса, маҳаллийлар ўз позициясини йўқотмагандилар.

XVII аср давомида экин майдонлари кенгайиб, қишлоқ хўжалик техникаси такомиллашиб борди. Ҳунармандчилик ривожланди, ички савдо анча кенгайди. Шу асосда Япониянинг феодал иқтисодиётида капиталистик жараён шаклланиб борди. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши феодал иқтисодиёт ички зиддиятларининг кучайиши билан бирга борди.

XIX аср бошларида Япония Токугавалар сулоласи томонидан бошқарилар эди. Изоляцияга учраган империя ўз маданиятини ушлаб қолишга ва мустамлакага айланиб бориш жараёнига қарши чиқди. XIX асрнинг 50 йилларида АҚШ ғарбий денгиз қўшинлари камондори Метью Перри мамлакатни қурол кучи билан савдо қилишга ва умуман ташқи дунё учун очилишига сабабчи бўлди. 1860 йилга қадар Япония қатор Европа мамлакатлари билан иккитомонлама келишувларларга

боришга мажбур бўлди. Хориждан кириб келган товарлар ички бозорни аста секин эгаллай бошлади. Рақобатга бардош бериш учун маҳаллий буржуазия бор кучини сарфлашга тўғри келган. Аммо сёгун савдо-сотик ва хунармандчилик билан шуғулланувчи жамият қатламларига кам эътибор берган. Феодал тизим ўз замонасини яшаб бўлган эди. Маҳаллий “Даймё”лар ҳам сёгу хукуматига норозилиги ошиб борди. Императорни хокимиятни тиклаш ғоялари кучая бошлади. Бу ғоялар сунъий равишда буддавийлар роҳиблар томонидан тарғиб қилинган эди. 1867 йил Сёгун Кейки хукуматига норозилик юқори чўққига чикди. Сёгун хокимияти император Мейдзига топширишга мажбур бўлди. Аммо айрим самурайлар сёгун томонида туриб жанг қилишни маъкул кўрдилар. Император хукумати (Арицугава бошчилигида) исёнчиларни тор-мор келтирди. Япония капиталистик йўлга ўтишга киришди. Зеро чет элликлар кўлида мустамлакага айланиб қолишдан сақланиш учун ушбу тараққиёт йўналишидан боришга мажбур бўлди. Янги тузилган хукумат ислоҳотларни инқилобий йўл орқали олиб боришга киришди. XIX аср 70 йиллардаёқ дунёвий давлатга айлана бошлади. Чет элликлар қарама қаршилигидан умумий фойдаланилди. XIX аср охирларида Япония иқтисодиёти мустақкам замонавий давлатга айлантирди.

Хулоса қилиб айтганда Мейдзи инқилоби қуйидаги ўзгаришларга олиб келди.

Самурайлар жамияти келажакда машхур маданиятлардан тарғиб қилиб, юксалишига олиб келди. Натижада Такугавалар сулоласи хокимияти узоқ давом этиб, ўн беш сёгун улардан келибчикди.

- Эски самурай феодал тартибларни йўқотилиши ва сёгун хокимиятидан воз кечилди.

- Хокимиятга тараққийпарвар кучлар ва зиёлий дворянларни келиши давлат бошқарув тизимини тубдан ўзгартирди. Аммо

самурайларнинг қаршилиги эски маданият билан ҳам ҳисоблашиш кераклигини кўрсатиб ўтди

- 1872 йили Токиода биринчи университетни очилиши ҳамда чет элдан (асосан француз ва немислар) инспекторларини келиб японияда ишлаши учун шарт шароит яратилди. Ўз навбатида ҳорижга ўқишга япон мутахасислари жўнатилиши амалга оширилди.

- 1882 йилда сиёсий партиялар авваламбор Дзюто ва Кайсинто тузилди. Дзюто раҳбари Итагаки Тайсукэ мулкдорлар ва помещиклар манфаати ҳимоя қилар, Кайсинто (ислохотлар партияси) партияси раҳбари Фукидзава Юкити ғарб либерализми тарафдори бўлиб, буржуазияни ҳимоя қилар эди.

- 1889 йил Япония конституцион монархияга айлантирилди. Барча ҳокимият император ва либерал вазирлар қўлида бирлашишига олиб келди.

- 1890 йилга келиб мамлакатлар бўйлаб ётқизилган темир йўллар узунлиги 2190 кмга тўғри келди. Бу эса ўз навбатида транспорт масаласини нисбатан ҳал қилди.

- XIX асрда йирик монополиялар кучайди. Мисол учун Фрукава фирмасига мамлакатдаги мис конлари, Мицубиси фирмасига Нагасакидаги йирик кемасозлик заводи ва Икунодаги кумуш конларини ҳукумат сотиб юборди.

Аммо юқоридаги натижалар зироатчи ва оддий фуқаролар гардани амалга оширилганлиги ижарачи деҳқонларнинг ачинарли аҳволи, 15-16 соат суткасига ишлайдиган ишчиларнинг оғир меҳнати эвазига амлага оширилди. XX аср бошларига келиб Япония ҳали ҳам Европа мамлакатларидан саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда орқада қоларди. Лекин Осиё қитъасидаги кучли давлатлардан бирига айланди. Энг асосий Япония жаҳон бозорига рақобатбардош маҳсулот ишлаб

чиқара оладиган саноатлашиб бораётган давлат йўлини тутганли бўлди. Хукумат тадбиркорликга катта аҳамият бериб уни давлат томонидан ҳимояга олди. Оқибатда кучли армия ва флотга эга бўлган мустанлакачи давлатлар қаторига қўшилди.

## **Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати**

### **I Расмий ҳужжатлар ва манбалар**

- 1.1 Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1 -Т.: «Ўзбекистон», 1996
- 1.2 Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2–Т.: «Ўзбекистон», 1996.
- 1.3 Каримов И. А. “Ўзбекистон мустақилликга эришиш остонасида” Т.: “Ўзбекистон”, 2011 йил.

### **II Монографиялар, рисоалар, тўпламлар**

- 2.1 Жуков Е.М. К вопросу об оценке «революции Мэйдзи» - Вопросы истории, 1968, № 2.
- 2.2 Топеха П.П. К вопросу о характере «Мэйдзи исин» - В кн.: Историко-филологические исследования. М.: Наука, 1967.
- 2.3 Лещенко Н.Ф. Прогрессивные японские историки о характере Мэйдзи исин – В кн.: Современная история стран Зарубежного Востока. М.: Наука, 1975.
- 2.4 Цибудеева Т.П. Из истории дискуссии японских историков о характере революции 1867-1868 годов в Японии. – Вестник ЛГУ, 1978, № 2, вып. 1.
- 2.5 Поздняков И.Г. Проблемы японского феодализма в трактовках прогрессивных японских историков – В кн.: Историография стран Востока. М.: Издательство МГУ, 1977.
- 2.6 Мэйдзи исин кэнкю кодза. Токио, 1958-1959, тт. 1-6.
- 2.7 Исии Такаси. Гакусэцу хихан. Мэйдзи исинрон. Токио, 1961.
- 2.8 Симояма Сибуро. Мэйдзи исин кэнкюсирон. Токио, 1966.
- 2.9 Тояма Сигэки. Сэнго-но рэкисигаку-то рэким исики. Токио, 1968.

- 2.10 Кодза. Нихонси. Рэкисигаку кэнкюкай. Нихонси кэнкюкай. Токио, 1970-1971, тт. 1-10.
- 2.11 Тояма Сигэки. Сэнго-но рэкисигаку-то рэким исики. Токио, 1968.
- 2.12 Родригес А.М. История стран Азии и Африки в новейшее время. – М.: Проспект, 2009.
- 2.13 Совастеев В.В. Очерки истории Японии. От Токугава Иэясу до Хасимото
- 2.14 Рютаро : [монография]. – Владивосток: Изд-во Дальневост. ун-та, 2008.
- 2.15 Елисеев Д. История Японии. Между Китаем и Тихим океаном. – М.: Евразия, 2009.
- 2.16 Гришелева Л. Д. Формирование японской национальной культуры, конец XVI - начало XX в. М.: Наука, 1998
- Саблина Э. Сёгуны и микадо (исторический очерк по японским источникам). М., «Дмитрий Буланин» 2006.
- 2.17 Спеваковский А. Б. Самураи - военное сословие Японии. Наука, Главная редакция восточной литературы, М., 1981
- Жуков Е.М. К вопросу об оценке «революции Мэйдзи» - Вопросы истории., М., 1968.
- 2.18 Дейноров Э. История Японии. АСТ.. М., 2008.
- 2.19 Литвак Б.В. Япония. Управленческий прорыв. Экономика, М., 2009.
- 2.20 Алпатов В.М. История и культура Японии. – М.: Ин-т востоковедения РАН (ИВ РАН), 2006.
- 2.21 Стрижова И.Б. Генезис российской политики в отношении Японии в XVIII - начале XIX века: – Саранск: Издательство Мордовского государственного университета, 2005.